

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари**

АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2181-5011



№3 (15) 2013



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров
Светлана Ортиқова
Ниғматилла Йўлдошев
Нуриддинжон Исмоилов
Зоҳид Дўсанов
Ҳакимбой Ҳалимов
Улғубек Суннатов
Шўҳрат Узақов
Толибжон Умаров

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Исмоилов
Аббосхон Сангинов
Мухтор Зоиров
Фаҳри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Жаҳонгир Мақсумов
Матлюба Аминжанова

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олманган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz

e-mail: axborotnoma@vuk.uz

Буюртма №
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмаҳонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси 7-уй

МУНДАРИЖА

- | | | |
|----------------------------------|---|----|
| Р.ҚОДИРОВ. | Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги — баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим омилidir. | 1 |
| С.ОРТИҚОВА. | Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда парламентнинг роли. | 6 |
| Қ.ЖЎРАЕВ. | Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси ва Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ташаббуслари. | 9 |
| О.ЎСАРОВ. | Суд-ҳуқуқ ислохотлари — тараққиётимиз кафолати. | 13 |
| Ф.ШОДМАНОВ. | Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик: муаммо ва ечимлар. | 16 |
| М.МИРАКУЛОВ. | Икки палатали парламент шароитида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро ҳамкорлиги. | 19 |
| А.МИРЗАЕВ. | Внедрение электронного судопроизводства в деятельность судов по гражданским делам Узбекистана. | 23 |
| Ш.МАГЗУМОВА. | Психолого-педагогические аспекты профилактики асоциального поведения в подростковой среде. | 27 |
| Ф.МУХИТДИНОВА. | Юридик кадрларни малакасини оширишда сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни ўқитиш ҳамда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг долзарблиги. | 30 |
| М.ПАЛВАНОВ. | Вопросы формирования, воспитания и охраны прав несовершеннолетних. | 33 |
| А.МУЛЛАЖОНОВ. | Баркамол авлод — юртнинг эртанги таянчи. | 37 |
| А.КАСИМОВА. | Квалифицирующие признаки ответственности несовершеннолетних. | 40 |
| Ф.БУРАНОВ. | | |
| Л.АХАДОВ. | Намунали уй-жойлар қурилишининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари: муаммо ва ечимлар. | 43 |
| Н.РАИМОВА. | Особенности правового регулирования конфиденциальной информации в Республике Узбекистан: этапы и перспективы развития. | 48 |
| Ш.АБАКУЛОВ. | Процессуал мажбуриятларни такомиллаштириш: миллий ва хорижий тажриба. | 52 |
| С.СЕЛИМАНОВА. | Принципы института лицензирования как формы государственного управления. | 56 |
| Ш.МАТЧАНОВ. | Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб-қоидаларининг ўзига хос хусусиятлари. | 61 |
| Хорижий адабиётлар шарҳи. | | 65 |
| Суд амалиёти. | | 70 |

УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ — БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

- ◆ Мақолада Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими мажбурийлигининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган бўлиб, соҳавий фаолият самарадорлигини ошириш ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш борасидаги муҳим вазифалар ҳақида тавсиялар берилган.
- ◆ Анализ правовых основ обязательного общего среднего и среднего специального, профессионального образования в статье сочетаются рекомендациями по важным задачам повышения эффективности отраслевой деятельности и по воспитанию гармонично развитого молодого поколения.
- ◆ Having conducted analysis of the legal framework of compulsory general secondary and secondary special and professional education in the article, the views on the important tasks of increasing the efficiency of industrial activity and upbringing of harmoniously developed young generation were expressed.

Таянч сўзлар: таълим ҳуқуқи, ўрта махсус, касб-хунар таълими, ёшлар, баркамол авлод, ота-оналарнинг масъулияти.

Ключевые слова: образовательное право, среднее специальное, профессиональное образование, молодежь, гармонично развитое поколение, ответственность родителей.

Key words: the right to education, secondary special, professional education, youth, harmoniously developed generation, the responsibility of parents.

Юртимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташласак, республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ёшларнинг ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол бўлиб улгайиши учун барча шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги яққол намоён бўлди.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки даврдан Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, шахс ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисми саналган болалар ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш соҳасида улкан муваффақиятларга эришилмоқда ва бу дунё ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга

интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир".

Ўз-ўзидан аёнки, эски тузум даврида узок йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб, бу мақсадга эришиб бўлмасди. Айнан шундай эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун давлатимизда ёшларимизнинг истиқболни таъминлайдиган барча ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди, муҳим қонунлар қабул қилинди, давлат дастурлари ҳаётга татиқ этилди.

Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний асосини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши ва мактаб ишлари давлат назоратида бўлиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизнинг таълим тизимини изчиллик билан ислоҳ қилиш ва бу соҳадаги давлат сиёсатини мустаҳкамлаш борасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги ва "Таълим тўғрисида"ги Қонунлари тарихий кадам бўлди. Мазкур Қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари, хусусан, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг узоқ ва давомли мақсадларни кўзда тутадиган концептуал ғоялари асосида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш жараёнида, 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълим босқичини ўз ичига олган, мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг узлуксиз таълим тизими яратилди. Шу асосда юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

Таъкидлаш керакки, таълим тизими ислоҳ қилиниши билан бирга таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли республикада 1549 та замонавий таълим муассасалари, шундан 1406 та касб-хунар коллежи ва 143 та академик лицей барпо этилди. Мазкур таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Жумладан, жиҳозланган компьютер синфлари, кутубхоналар, спорт заллари, секциялар, зарур бўлган инвентарь билан таъминланган ётоқхоналар, ошхоналар ўқувчилар ихтиёрига топширилган. Яратилган бундай шароитларнинг барчаси ўқувчиларнинг танланган йўналиш бўйича бир ёки бир нечта замонавий мутахассислик олишга қаратилган касбга оид чуқур билим олишларига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, айнан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг кўпчилик қисми республикада фаолият кўрсатаётган замонавий илғор технологияларга асосланган корхоналарда меҳнат қилиб, жаҳон бозорида рақобатбардош ҳисобланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнининг фаол иштирокчиларига айландилар. Масалан, "GM-Uzbekistan" ёпиқ акциядор-

лик жамиятида ишлаётган 7956 нафар ишчи-хизматчининг 2877 нафарини ёки 36,1 фоизини касб-хунар коллежлари битирувчилари ташкил қилади. Ёки "Ўзбекенгилсаноат" компанияси тизимидаги корхоналарда 15 минг нафардан ортиқ, "Ўзбекнефтгаз" компанияси тизимидаги корхоналарда 2 минг нафардан ортиқ касб-хунар коллежлари битирувчилари хизмат қилмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунингдек, умумтаълим тизимидаги ислохотлар, таълимнинг замонавий илғор услубларининг кенг жорий қилиниши, таълим-тарбияга бўлган эътиборнинг тубдан яхшиланиши ўзининг самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси ва дунёқарashi кенгайиб, улар халқаро фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловларда қўлга киритаётган ютуқлари билан Ўзбекистон довуғини дунёга таратмоқдалар.

Охирги икки йил давомида 33 нафар ўғил-қизимиз жаҳон миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари ва мусобақаларда ўзининг чуқур билими, интеллектуал салоҳияти, теран фикрлари ва ўткир тафаккури билан ғолиблар шохсупасидан ўрин эгаллаганлиги мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон қалбига чуқур ғурур ва ифтихор туйғусини бахш этади.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси таъсис этилди. Юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто олис қишлоқларимизда ҳам спорт анжомлари билан жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари, муҳташам спорт саройлари, стадионлар, жисмоний тарбияга ихтисослашган мактаблар барпо этилди. Ўқувчи ва талабаларнинг уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" республика мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Энг муҳими, миқёси ва кўламига кўра бениҳоя улкан бўлган бу ишларнинг барчаси ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Кейинги икки йилда ёшлар ўртасида ўтказилган Жаҳон ва Осиё чемпионатларида ҳамда бошқа йирик халқаро беллашувларда 490 нафар ёш спортчиларимиз совринли ўринларни эгаллаган бўлса, уларнинг 132 нафари барча рақибларини доғда қолдириб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар ва Ўзбекис-

тон мадҳиясини дунё майдонларида баланд янги ратиш бахтига муяссар бўлдилар.

Узлуксиз таълим тизимининг яратилиши ва таълим сифатининг тубдан яхшиланиши вояга етмаганларнинг билим олишга ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширди, бу эса, ўз навбатида, уларнинг бандлигини таъминлаб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни кескин қисқартиришга эришишга имкон берди. Хусусан, 2012 йилда 2000 йилга нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 30,5 фоизга камайган.

Болалар, жумладан, ўқувчилар орасида жиноятчиликнинг камайиши қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан етарли назорат бўлмагани оқибатида уларнинг ўқув муассасаларига бормаслиги ҳолатлари мавжудлиги ташвишга солиши табиий. Жумладан, 2012-2013 ўқув йилида 5 минг нафардан ортиқ ўқувчилар бирон-бир узрли сабабсиз сурункали равишда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга келмаган. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва прокуратура органлари томонидан кўрилган ҳуқуқий чоралар натижасида улардан аксарият қисми таълим муассасаларига қайтарилди.

Ўтказилган назорат тадбирларида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари масъул ходимлари томонидан машғулотларга сабабсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва таълимга жалб қилиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби директори Е.Заирова ва директор ўринбосари М.Ражаповалар ўзаро жиноий тил бириктириб, 2009 йилда Бельгия давлатига кетган 5-синф ўқувчиси Д.Боймамамовани тўрт йил давомида дарсларга қатнашганлиги ва билими баҳоланганлиги ҳақида журналга ёзувлар киритиб, синфдан-синфга ўтказиб келганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Давлат томонидан болаларимизнинг келажагини ўйлаб, қанчадан-қанча сарф-харажат эвазига 12 йиллик бепул ўқишни ташкил қилиб, замонавий технологияларга асосланган, жаҳон илғор таълим стандартларига мос билим олиш учун шароитлар яратиш берилса-ю, бола коллежга бормаса, қани бу ерда тартиб-интизом, қани масъулият?! Нима учун жойларда ҳоким-

ликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, профилактика инспекторлари, жамоатчилик, қолаверса, бола тарбияси учун бевосита жавобгар бўлган ота-оналар ва бошқа масъул шахслар бепарволарча қўл қовуштириб ўтирибди? Бундай бепарволик жиноят эмасми?

Ваҳоланки, мамлакатимиз қонунчилигида 12 йиллик таълим умуммажбурий эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, қонуннинг мазкур талаби ижросини қатъий таъминлаш барчамизнинг бурчимиздир. Афсуски, баъзи ота-оналар ва мансабдорлар ўзларига юклатилган вазифаларига нисбатан бундай масъулиятсизлик учун жавобгарликнинг мавжудлигини унутиб қўйганлар. Бу соҳада прокурор назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган йилда ва жорий йилнинг 5 ойида ўқувчи ва талабаларнинг ўқув муассасаларига келиб-кетишини таъминлаш учун масъул бўлса-да, мансаб вазифаларини лозим даражада бажармаган 2 минг нафар таълим соҳаси ходимлари интизомий жавобгарликка тортилганлар.

Шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирувчиларини кейинги ўқиш босқичларига жалб этиш борасидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир жорий йилда мактабни битираётган 530 мингдан ортиқ ўқувчиларни касб-хунар коллежлари ва лицейларга жойлашишини тўлиқ камраб олиш мақсадида жойлардаги прокурорларга маҳаллий ҳокимликлар, таълим муассасалари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида топшириқ юборилди. Ушбу вазифанинг ижросини таъминлашнинг барча чоралари кўрилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчи ва талабаларнинг машғулотларга қатнашиш давоматини таъминлаш фақатгина ўқув муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилари зиммасидаги вазифа эмас, балки бу жараён кўп жиҳатдан ота-оналарга, уларнинг фарзанди таълим-тарбияси билан нечоғлик шуғулланишларига бевосита боғлиқдир. Ваҳоланки, бола тарбияси ҳам қонуний асосларда, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан ота-оналарнинг фуқаролик ва инсоний бурчидир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фарзандларининг тарбияси ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганликлари учун маъму-

рий жавобгарлик белгиланган бўлиб, айнан шу асослар билан 2012 йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида 3,5 минг нафар ота-оналар жавобгарликка тортилдилар.

Бундан ташқари, 250 нафар ота-оналарнинг муомала лаёқати чекланган ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Бу борада бир мисол келтириш ўринлидир. Чирчиқ шаҳрида яшовчи фуқаро Е.Шарипова спиртли ичимлик истеъмол қилиб, тўққиз яшар қизи Л.Шариповани мунтазам равишда уриб, унинг мактабга ва кўчага чиқишига тўсқинлик қилган ва узоқ муддат давомида хонага қамаб, устидан қулфлаб қўйган. Оқибатда қиз бундай шафқатсизликка чидамасдан, ўзини 3-қаватда жойлашган хонадоннинг балконида ерга сакраб, оғир тан жароҳатлари олган. Врачларнинг ёрдами билан қизнинг ҳаёти сақлаб қолинган. Онасига нисбатан эса жиноят иши қўзғатилиб, жавобгарликка тортилди.

Ўқувчиларнинг машғулотлардаги давомати назоратсиз қолиши, уларнинг ўзрсиз сабаблар билан дарсга қатнашмасликлари, ҳатто узоқ муддат давомида таълим муассасаларига умуман келмасликлари фарзандларимизнинг жиноят йўлига кириб кетишдек мудҳиш оқибатларга олиб келмоқда.

Масалан, Булоқбоши туманидаги иқтисодиёт ва енгил саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Н.Тоштемиров умумтаълим мактаби ўқувчилари Ш.Қудратиллаев ва Ш.Исоқовлар билан жинойи тил бириктириб, савдо дўконидан 1,2 млн. сўмлик уяли телефон аппаратлари ва эҳтиёт қисмларини ўғирлаганлар.

Содир этилган жиноятлари учун ушбу гуруҳ аъзолари жинойи жавобгарликка тортилдилар, албатта. Лекин афсус билан таъкидлаш лозимки, шундай номақбул гуруҳларга кириб қолиб, турли хил жиноятлар, шу жумладан, оғир жиноятларга қўл ураётган вояга етмаган болалар борлиги уларнинг таълим-тарбиясидаги нуқсонлардан далолат беради. Бу ҳақда ота-оналар, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, таълим муассасаларининг мансабдор шахслари, қўйинги, барчамиз чуқур ўйлаб, тегишли хулоса чиқаришимиз ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўришимиз керак.

Шу ўринда яна бир долзарб масалага алоҳида тўхталиш лозим. Касб-ҳунар коллежларини тамомлаган фарзандларимизнинг мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши уларнинг келажак ҳаётда ўз ўрнини эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис касб-ҳунар кол-

лежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, тегишли мутахассисликлар бўйича янги иш ўринлари ташкил қилинмоқда.

Аммо назорат тадбирларида аниқланишича, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмагани, бу жараёнда ҳисоботларга қўшиб ёзиш, тугатилган ёки фаолият юритмаётган корхоналар билан сохта шартномалар тузиш, битирувчилар ҳали ишга чиқиб улгурмасидан шартномаларни бекор қилиш каби ҳолатлар мавжуд. Бундай қонунбузишларга йўл қўйган мансабдор шахслардан 2300 нафардан ортиғи интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилдилар, 74 та ҳолат бўйича эса жиноят иши қўзғатилди.

Ёшларни ўзлуксиз мажбурий таълим билан камраб олинишига салбий таъсир ўтказадиган муаммоли ҳолатлардан яна бири ўқувчи қизларнинг, шу жумладан, никоҳ ёшига тўлмаганларнинг эрга бериб юборилишидир. Олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамасдан, 2012-2013 ўқув йилида лицей ва коллежларда таълим олаётган 2114 нафар қизлар ота-оналари томонидан эрга бериб юборилган, оқибатда улардан 944 таси ўқув машғулотларига умуман қатнашмай қўйган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан никоҳга киришган шахсларнинг, шунингдек, бунга йўл қўйган ота-оналар, таълим, диний муассаса ходимларининг жавобгарлик масаласи ҳал қилинмоқда. Лекин кўрилган чоралар ўзининг етарли самарасини бермаётганлиги сабабли бундай салбий иллатга нисбатан қатъиятлилик ва талабчанликни кучайтиришимиз керак. Шу ўринда алоҳида айтиш керакки, никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик, яъни никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга киришиш, уни эрга бериш ёки уйлантириш, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун жавобгарликни белгилловчи нормалар Оила кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига киритилди. Бу ўзгаришлар ҳам шу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонунлар қабул қилинапти. Лекин бу қонунлар ҳақида жойларда барча фуқароларимиз тўлиқ билмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар ва тегишли жамоат ташкилотлари жойлар-

да халқ орасида қонунларни, уларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларни тарғиб қилиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида айнан шу мавзуда тадбирлар ўтказиш орқали тушунтириш ишларини доимий равишда олиб боришлари керак. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ошиши бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳар томонлама интеллектуал ва жисмонан ривожланган юксак ақл-заковатли, баркамол авлодни тарбиялашдек устувор вазифанинг нақадар муҳим эканлигини ҳар биримиз чуқур тушунишимиз, барча саъй-ҳаракатларимизни бундай муҳим соҳадаги қонунчилик талабларининг тўлиқ ижросини таъминлашга, шунингдек, мансаб суиистеъмолчилиги, порахўрлик, фирибгарлик ва бошқа жиноий фаолиятни истисно қиладиган соғлом муҳит яратишга йўналтиришимиз зарур.

Ёш авлод тарбиясига ҳар доимо энг долзарб ва устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётган муҳтарам Президентимиз Ислом

Каримовнинг "Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди", деган фикрлари халқимизга хос юксак инсоний фазилатларнинг эътирофи бўлиши билан бирга, барчамизни шу борада янада фаол иш олиб боришга даъват этади.

Дарҳақиқат, халқимизга хос ана шу олий қадрият ҳар доим бизларни ёшлар таълим-тарбиясига ҳаёт-мамонт масаласи сифатида эътибор қаратишга чорлаши шарт. Зеро, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан баркамол бўлиб вояга етиши учун барча давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, она-юрт келажакига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаро масъулдир.

Истагимиз шуки, бу эзгу ният ҳар бир юртошимизнинг юксак инсоний ва фуқаролик бурчиغا айлансин.



Светлана ОРТИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИ

◆ Мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларнинг демократик жамиятдаги ўрни, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдаги парламентнинг роли ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

◆ В статье высказаны мнения о месте негосударственных некоммерческих организации в демократическом обществе, а также о роли парламента в поддержке и развитии институтов гражданского общества.

◆ The article considers the the place of nongovernmental noncommercial organizations in a democratic society, and the role of the parliament in the support and development of the institutions of civil society.

Таянч сўзлар: ижтимоий фаоллик, нодавлат нотижорат ташкилотлар, демократик жамият, парламент, преференциялар, жамоат фонлари.

Ключевые слова: общественная активность, негосударственные некоммерческие организации, демократическое общество, парламент, преференции, общественные фонды.

Key words: social activity, nongovernmental noncommercial organizations, democratic society, parliament, preferences, public funds.

Давлат органлари ва бизнес тузилмаларнинг ижтимоий ҳамкори бўлмиш нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) тизимини ривожлантириш жамиятдаги барча ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатлари, тийиб туриш ва қарама-қаршилиқлар мувозанатини таъминлашнинг таъсирли механизмларидан бири ҳисобланади. Бундай тенглик эса жамиятнинг барқарор ривожланиши кафолатидир.

ННТ сектори фаолияти зарурлигини асослайдиган иккита муҳим сабаб мавжуд.

Биринчидан, социал зарурият, чунки ННТ демократик жамиятда муҳим функцияни бажаради — аҳолининг муҳтож қатламларини муҳофаза қилиш учун махсус муҳит яратади, шу қатлам ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Иккинчидан, иқтисодий зарурият — ННТ шундай хизматларни кўрсатади ва шундай қадриятларни ҳаётимизга олиб кирадики, улар етарли даражада фойдали бўлмайди ва давлатнинг ижроия органлари уларни тўлақонли бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Фаолияти давомида ишлаб топилган барча маблағларни ННТ ўзларининг дастурларини кенгайтириш ва молиялаштиришга йўналтиришади. Бу билан соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъатни қўллаб-

қувватлашда ёрдам бергани ҳолда давлат бюджетига уларнинг оғирлиги тушмайди.

Ўзбекистонда демократик институтларнинг шаклланиши ижтимоий тараққиётнинг дунёвий тенденцияларига мос равишда кечмоқда.

Мамлакатимизда ННТ фаолияти биринчи галда жамиятнинг кам таъминланган, ёши улуг ва меҳнатга қобилиятсиз аъзоларини ҳимоя қилиш учун шароит яратиш орқали ислоҳот дастурларини амалга оширишнинг ижтимоий харажатларини енгиллаштиришга, аҳоли бандлигини кенгайтириш ва бошқа касбларни ҳам ўрганишига, қишлоқлар ва кичик шаҳарлардаги ислоҳотларга кўмаклашишга, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини рағбатлантиришга қаратилган.

Фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, ҳаётимиздаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда уларнинг роли тобора ошиб бормоқда. Аммо ННТнинг вазифалари қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмасин, уларни ўз фаолиятининг ишончли иқтисодий потенциалига эга бўлган ҳолда, Ўзбекистон қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ўз маблағларидан ҳам, давлатнинг қўллаб-қувватлаш механизмларидан ҳам самарали фойдаланибгина муваффақиятли амалга ошириши мумкин.

Давлат муайян кафолат, имтиёз ва преференциялар бериш, солиққа тортиш ва давлат томонидан молиялаштириш тартибларини такомиллаштириш йўли билан ННТ ривожини рағбатлантиради.

ННТ секторининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари билан фаол ҳамкорлиги, ННТнинг фаол ижтимоий фойдали фаолияти молиявий субсидиялар ва социал буюртмалар кўринишида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уларнинг фуқаровий ташаббусларни муваффақиятли амалга оширишга қаратилган фаолияти барқарор бўлишига кўмаклашади.

ННТнинг барқарорлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан пухта молиявий стратегияга, солиқ режасига, тўғри шакллантирилган бюджетга ва ҳисоб-китоб юритиш сиёсатига боғлиқдир.

ННТ тизимининг янада ривожланишига, шунингдек, уларнинг истиқболли, социал ва ижтимоий аҳамиятга эга дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашишига кўмаклашиш мақсадида 2008 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилинган.

Парламент палаталарининг қўшма қарори қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад ННТни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун объектив шароит ва мустақил тизим яратишдир. Шу мақсадда Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ташкил этилган.

Фонд фаолиятига Васийлик кенгаши раҳбарлик қилади, унинг функциясини парламент комиссияси бажаради. Парламент комиссияси 6 нафар сенатор, Қонунчилик палатасининг 6 нафар депутати, йирик ННТ ва ОАВнинг 9 нафар вакили, шунингдек, Ўзбекистон Адлия ва Молия вазирликларининг 3 нафар эксперти, олий таълим муассасалари ректорларидан иборат таркибда тузилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига кўра, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти давлат томонидан субсидиялар, грантлар, социал буюртмалар бериш шаклида қўллаб-қувватланмоқда.

2008 йилдан ҳозиргача Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси кўмагида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари ассо-

циациялари ва бирлашмаларининг 600 га яқин социал аҳамиятга эга лойиҳалари, дастурлари, устав вазифалари амалга оширилди. Бунинг учун 22,4 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

2012 йилнинг ўзида 1500 дан зиёд ННТ ва бошқа фуқаролик институтлари иштирокида ассоциация ва бирлашмаларнинг 230 та турли хил лойиҳалари, дастурлари ва устав вазифаларини рўёбга чиқариш учун жами 6,4 млрд. сўмлик кўмак берилди. Натижада йўналтирилган маблағларнинг умумий миқдори 2010 йилга нисбатан 42 фоиз ошди.

Жумладан, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат субсидиялари шаклида 2,3 млрд. сўм ажратилди. "Мустақкам оила йили" Давлат дастури доирасида 15 та ижтимоий лойиҳа ва дастур социал буюртма шаклида қўллаб-қувватланди. Бунинг учун 1,174 млрд. сўм йўналтирилди.

Мустақил ОАВни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларнинг иқтисодий потенциалини мустақкамлаш, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида социал буюртма шаклида қўшимча 100 млн. сўмга яқин маблағ ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, социал буюртмалар доирасида ҳар йили "Ўзбекистон матбуоти", "Ҳуқуқлар журналист нигоҳида", "Жамият ва мен" миллий форум ва кўرғазмалари, "Эътироф" танлови, Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан "Олтин қалам" миллий мукофоти халқаро танлови ўтказилмоқда.

2012 йилда 35 та долзарб мавзу бўйича 7 та давлат грантлари танлови ўтказилди. Грант танловларида 745 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг 980 дан зиёд ижтимоий лойиҳалари билан қатнашдилар.

Парламент комиссиясининг қарори асосида 211 та лойиҳа жами 2,964 млрд. сўм миқдорида қўллаб-қувватланди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури билан биргаликда давлат грантини олиш учун қўшимча танлов ўтказилди. Натижада 20 га яқин ижтимоий лойиҳа жами 350 млн. сўм миқдорида қўллаб-қувватланди.

ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш миллий моделининг ташкилий-институционал жиҳати фуқаролик институтларининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашнинг энг муҳим шарти бўлди.

Биринчидан, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш

манбаларини шакллантиришнинг мустақил, энг демократик тамойилларга асосланган тизими яратилган. Масалан, ННТ фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилаш, ушбу маблағларни тақсимлаш, уларнинг сарфланишини мониторинг қилиш билан боғлиқ масалалар ижро ҳокимияти органлари, хусусан, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси иш юритувидан мамлакатнинг олий қонунчилик органи — Олий Мажлис ихтиёрига ўтказилди.

Иккинчидан, жамоат фонди ва парламент комиссиясининг иши энг юксак демократик талабларни ҳисобга олган ҳолда, ошкоралик, очиқлик, ҳаммабоплик, ҳолислик тамойиллари асосида ташкил этилган. Масалан, фонд маблағи бевоқифа ННТга уларнинг аризалари ва парламент комиссиясининг қарорлари асосида бирон-бир оралик бўғин ва тузилмаларнинг иштирокисиз ажратилади.

ННТни қўллаб-қувватлашга ажратиладиган маблағ миқдорини белгилаш парламент комиссиясининг тавсияномаси бўйича Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ҳамда тасдиқлаш жараёнида ва муддатида амалга оширилади.

Ушбу маблағларнинг сарфланиши ҳақидаги ҳисоботлар ҳам худди шу тартибда муҳокама қилинади. Фонд ҳар йили оммавий ахборот воситаларида ўз фаолияти ҳақидаги тўлиқ ҳисоботни, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратилган маблағлар қандай тақсимлангани ва сарфлангани тўғрисидаги ахборотни эълон қилиб боради.

Учинчидан, Ўзбекистонда жамоат фондининг маблағлари ажратилиши мумкин бўлган мақсадлар аниқ белгилаб қўйилган.

Хусусан, улар ННТнинг минтақалардаги аниқ социал-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ўзлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган социал ва ижтимоий лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилади. Қўллаб-қувватлаш соҳалари ва шартларининг бундай

аниқ белгилаб қўйилиши фонд маблағлари адолатли, ҳолисона тақсимланишининг муҳим кафолати ҳисобланади.

Тўртинчидан, ННТнинг кенг қўламли халқаро алоқаларини рағбатлантириш чора-тадбирлари кўзда тутилган. Фонд ва парламент комиссиясининг вазифаларидан бири ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, улар томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш масалаларига бағишланган турли хил халқаро тадбирлар ўтказилишига, жамиятни демократлаштириш жараёнларида уларнинг фаол иштирок этишига кўмаклашиш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, фонд маблағларини шакллантириш манбалари сифатида давлат бюджети маблағлари билан бирга ихтиёрий ҳомийлик маблағлари, жумладан, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳам белгилаб қўйилган.

Бешинчидан, қўшма қарорда ННТ олинган маблағлардан мақсадли, айна пайтда эркин фойдаланишига доир бир қатор кафолатлар назарда тутилган.

Хусусан, ННТга ажратилган, ҳисобот йилида фойдаланилмай қолган маблағлар бюджетга қайтарилмаслиги, балки кейинги йили белгилаб қўйилган мақсадга кўра ишлатилиши мустаҳкамланган.

Бу қоида бюджет маблағларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи умумий қоидалардан истисно ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фойдасини кўзлаб атайин шундай қилинган.

Олтинчидан, фонд маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат (мониторинг) қилиш парламент комиссиясига юклатилган.

Бу қоида ушбу масалаларни ҳал қилишга бошқа тузилмалар асоссиз, ўзбошимчалик билан аралашилишига йўл қўйилмаслигининг муҳим кафолатидир. Унинг қўлланиши ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг эркинлиги, молиявий мустақиллиги мустаҳкамланишига имкон беради ва шу орқали нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.



Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИШ БЎЙИЧА ТАШАББУСЛАРИ

- ◆ Мақолада "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси"нинг мазмун-моҳиятини, шунингдек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг асосий йўналишлари ёритилган.
- ◆ В статье раскрыта сущность "Концепции внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан", а также основные направления достижения мира и стабильности в Афганистане.
- ◆ The article reveals the essence of "Concept of foreign political activity of the Republic of Uzbekistan", as well as the main directions of achieving peace and stability in Afghanistan.

Таянч сўзлар: Ташқи сиёсий фаолияти стратегик мақсад, хавфсизлик, суверенитет, Марказий Осиё.
Ключевые слова: Внешнеполитической деятельности стратегическая цель, безопасность, суверенитет, Центральная Азия.
Key words: Foreign political activity strategic objective, security, sovereignty, Central Asia.

2012 йилда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинди ва кучга кирди. Мазкур қонунни мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берувчи ўта муҳим, тарихий ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати учун ўта долзарб бир паллада қабул қилинди. Ҳозирги глобаллашув жараёнлари ҳамда дунёда вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, сиёсий ва иқтисодий кучлар жойлашувида рўй бераётган ўзгаришлар, минтақада ва Ўзбекистоннинг шундоқ ёнгинасидаги таҳдидлар, террорчилик кўринишидаги хавф-хатарлар ва кескинликнинг кучайиши халқаро ва минтақавий воқеликка ўз вақтида ва муносиб жавоб қайтариш мақсадида давлат ташқи сиёсатининг концептуал асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Аввало, миллий хавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун имкон қадар қулай ташқи шароитлар яратиб бериш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини бундан бўён ҳам таъминлаш, ижтимоий йўналти-

рилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат қуриш йўлидаги изчил ҳаракатларни муваффақиятли давом эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ўтган мустақил тараққиёт йиллари давомида мамлакатимизда ташқи сиёсат борасида тўпланган миллий тажрибани умумлаштириш, қолаверса, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳозирги даврнинг мураккаб хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ўрта ва узоқ муддатли стратегик мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, истиқлолнинг илк йилларида ташқи сиёсат соҳасида кўпгина ишларни бошланғич нуқтадан бошлашга тўғри келди. Гап шундаки, мустақил совет даврида, яъни Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгунига қадар "йўқдан кўра бор" дегандек, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлиги фаолият олиб борар, у атиги бир неча ходимдан таркиб топган бўлиб, кичикгина бир бинода жойлашган эди. У амалда ҳеч қандай ваколатга эга эмас, фақат "марказ"нинг кўрсатмаларини бажарар, оз сонли ходимлар эса чет эллардан келган меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билангина шуғулланар эдилар.

Истиқлолнинг ўтган қисқа даври ичида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. Жаҳон майдонида Ўзбекистоннинг нуфузини ошириш, уни халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айлантириш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистоннинг тинчликсевар, прогрессив ташқи сиёсати унинг жаҳонда ўз ўрнига эга мустақил давлат сифатида тезда эътироф этилишини таъминлади.

Концепцияда белгиланган ташқи сиёсатнинг бир қатор тамойиллари, жумладан, бошқа давлатларнинг манфаатларини инобатга олиш, ҳамкорлик учун очиқлик, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, суверенитет, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари давлатнинг ички нормаларидан устувор аҳамиятга эга эканлиги ва шу каби қатор принципларни мавжудлиги давлатимизнинг ташқи сиёсий фаолияти самарадорлигини янада оширади ва очиқ демократик давлат қуриш йўлидаги изчил ҳаракатларни муваффақиятли давом эттиришни таъминлайди.

Концепцияда мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари бирма-бир санаб ўтилган бўлиб, асосий устувор йўналиш сифатида Марказий Осиё минтақаси қайд этилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, мамлакатимизнинг ҳаётий муҳим манфаатлари ушбу минтақадаги мамлакатлар билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнги йилларда Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, катта миқдордаги минерал ва хомашё ресурслари туфайли, халқаро майдонда жиддий эътибор объектига айланиб бормоқда. Дунёнинг йирик давлатлари стратегик манфаатларининг бу ерда кесишуви, айрим пайтда эса ҳатто тўқнашуви юз бермоқда. Афғонистонда ўттиз йилдан зиёд давом этаётган кескинлик ва қарама-қаршилиқлар фикримизнинг яққол далилидир.

Концепцияда "Марказий Осиё муаммоларининг ташқи кучлар аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилиши зарур"лиги алоҳида қайд этилган. Бу ўта принципиал ёндашув бўлиб, Ўзбекистоннинг минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий, экологик ва бошқа муаммоларни ҳам ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асосида ҳал қилиниши тарафдори эканлигини билдиради. Бошқача айтганда, минтақадаги мавжуд муаммолар ва масалалар Марказий Осиё халқлари томонидан ўзаро ҳамжихатлик ва муроса йўли билан ҳал қилиниши керак, четдан туриб бизга бу муаммоларни ҳеч ким ҳал қилиб беролмайди. Бу ғоя концепциянинг асосий негизини таш-

қил қилади.

Ҳужжатда шунингдек, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларида Марказий Осиё мамлакатларининг ягона нуқтаи назари йўқлиги туфайли, ушбу сув ҳавзаларидан фойдаланишнинг ҳал этилмаган ҳаётий муҳим муаммоларига ҳамда айрим давлатлар сувдан биргаликда фойдаланиш соҳасидаги давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормаларини инкор этаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон минтақадаги барча экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлайди.

Концепцияда МДХ мамлакатлари, Россия, АҚШ, Европа ва Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур каби давлатлар, Жанубий Осиё мамлакатлари, Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, ҳатто жуғрофий жиҳатдан анча олисда жойлашган Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасининг етакчи давлатлари ва Африка қитъасидаги мамлакатлар билан, шунингдек, қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилган бўлиб, бу бизнинг фундаментал миллий манфаатларимизга тўлиқ мос тушади.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг усул ва механизмлари бирма-бир кўрсатиб берилган бўлиб, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий масалалар ечими билан бевосита шуғулланувчи тузилмаларнинг вазифалари ҳам концепцияда аниқ белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда концепцияда ишлаб чиқилган сиёсий-дипломатик, иқтисодий воситалар орқали амалга ошириш; зарур бўлган қонунчилик базасини такомиллаштириш; мамлакатимизнинг ташқи сиёсий фаолиятини ахборот жиҳатидан самарали таъминлаш билан бир қаторда, минтақа ва дунёдаги вазиятни доимий мониторинг қилишга қаратилган тизимли ахборот-таҳлилий ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш; Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига таҳдид ва хавф-хатар туғдирадиган воқеаларни олдиндан башорат қилиш ва бартараф этишга қодир бўлиш ҳамда ташқи сиёсий фаолият билан шуғулланадиган тузилмалар учун кадрларни замонавий андозалар асосида касбий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби усул ва воситалар мажмуининг аниқ белгиланиши ушбу ҳужжатнинг пухта ишлаб чи-

қилганлигидан далолат беради.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий вазифаларидан бири, концепцияда назарда тутилганидек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга кўмаклашишдан иборатдир. Ҳужжатда Ўзбекистон ўзининг Афғонистонда узок муддатли барқарорлик ва тинчлик сақланишининг қатъий тарафдори эканлиги ҳамда тарихий тажрибани ҳисобга олиб, бу мамлакатга нисбатан анъанавий тарзда яхши қўшничилик ва дўстона сиёсат юритаётганлиги таъкидланади. Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик принципларига риоя этилиши тарафдори ва у билан ўз муносабатларини икки томонлама асосда, ҳар иккала мамлакатнинг миллий манфаатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини ҳисобга олиб, Афғонистон халқи танлайдиган йўлни ҳурмат қилган ҳолда йўлга қўяди.

Президент Ислам Каримов 2013 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда Афғонистонда ўттиз йилдан кўпроқ давом этаётган уруш ҳозирги кунда бизнинг ҳудудимизда, бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар эканлигини, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимизда. Албатта, тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиз шу мусаффо осмонни сақлаш, асраш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркорлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон қўшни Афғонистонда бардавом тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдор. Шу боис, ушбу жафокаш юртда осойишталикнинг қарор топиши борасида ўз саъй-ҳаракатларини изчиллик билан олиб бормоқда. Ўзбекистон афғон муаммосининг ҳарбий ечими йўқлигини доимо таъкидлаб келган ва буни давлатлар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2008 йил апрель ойида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида тилга олган эди. Бу масала Юртбошимизнинг ШХТнинг 2008 ва 2009 йилларда бўлиб ўтган олий даражадаги саммитлари доирасидаги маърузаларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Президентимизнинг 2010 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида ташкил этилган БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажли-

сидаги нутқи ҳам кўзга кўринган сиёсатчилар, экспертлар ва қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари томонидан жуда юксак баҳоланди. Чунки, ундаги фикр ва илгари сурилган ғоялар халқаро миқёсда долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг самарали ечими билан боғлиқдир. Юртбошимиз мазкур чиқишида Афғонистон масаласига яна бир қарра алоҳида тўхталиб ўтди. Сабаби, Афғонистон наинки минтақамиз, балки дунёнинг энг ташвишли, чигал ва қарама-қаршиликка тўла муаммосидир. 30 йилдан буён ушбу заминда давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар қутилган натижани бергани йўқ ва бу афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини янада яққолроқ кўрсатмоқда. Шу ҳақда сўз юритган давлатимиз раҳбари ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари топиш ғоят муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, очиқ халқаро ҳамкорликнинг Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган янги моделини таклиф этди: "Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафелигида "6+3" Мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажигидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига, авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. "6+3" Мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қиладиган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муро-са асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур қафолатларни беришдан иборат".

Ўзбекистоннинг афғон ихтилофини ҳал қилишга нисбатан позицияси — ички афғон ярашувига эришишнинг муҳимлиги; умуммиллий ярашувга эришиш учун Афғонистондаги барча ички кучлар, жумладан, ўзаро курашаётган томонлар билан муносабатларни йўлга қўйиш зарурияти; Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти бўйича саъй-ҳаракатларни кенгайтириш, энг аввало, инфратузилма ва инсонпарварлик лойиҳаларини амалга ошириш, аҳоли бандлиги, камбағаллик, қашшоқлик ва ҳуқуқсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш лозимлиги; афғон халқи риоя қиладиган кўп асрлик анъаналар,

урф-одатлар ва Ислом дини қадриятларини ҳурмат қилиш зарурлиги каби принципаал ёндашувларда намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ўзбекистоннинг Афғонистон давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати аниқ ва очиқ". Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади. Бундай сиёсат олиб боришни кимнингдир "ўйин"ларига қўшилмаслик, қўшниларимиз билан тинч, осойишта яшаш, эл-юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини ҳимоялаш, яқин тарихимиздан чиқарилган тегишли сабоқлар ва ҳозирги мураккаб замон талаб қилмоқда.

Ҳозирги кунда Афғонистондаги вазият, афсуски, анча мураккаблигича қолмоқда. Америка қўшинлари ва халқаро хавфсизликка кўмаклашиш кучларининг 2014 йилгача ва ундан кейин Афғонистондан олиб чиқилишининг эълон қилинганлиги, бир томондан, террористик ва экстремистик ҳаракатларнинг кенгайиши билан боғлиқ таҳдиднинг ортишига, иккинчи томондан эса, Марказий Осиё минтақасида ва унга қўшни ҳудудларда кескинлик ва беқарорлик ҳолатининг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. 120 мингга яқин АЙСЕФ халқаро коалицион қўшинларининг Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафик-

нинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатдаги аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда жиддий хавотирлар уйғотади.

Истиқболда воқеалар қайси йўналишда ривожланишидан қатъи назар, Ўзбекистон Афғонистон билан яхши қўшничилик сиёсатини олиб боришда давом этади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон афғон диёрида ҳамиша тинчлик ва осойишталик ҳукм суришини истаб келган ва бу ўлка халқига доимо ёрдам қўлини чўзган. Биргина мисол, 2010-2011 йилларда Ўзбекистон ушбу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдорини ўтган йиллардагига нисбатан бир неча баробарга оширди. Бундан ташқари, Ўзбекистон мазкур ҳудуддаги инфратузилмани яхшилашга ҳам катта кўмак бермоқда. Афғонистон тарихида илк темир йўл ўзбекистонлик қурувчилар томонидан бунёд этилди. Бу эса республикамиз ўз ташаббусларини амалий сарф-ҳаракатлар орқали намоён этаётганлигини яққол тасдиқлайди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, ён-атрофимиздаги ҳозирги мураккаб жараёнлар бизни ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишга ундайди. Биз ҳар қандай бало-қазо, қарама-қаршилик ёки офат келишини олдиндан англаб, уларни бартараф қилишга доимо шай туришимиз лозим. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу Ватан меники, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашмасам ким курашади, деб яшаш барчамизнинг, авваламбор, ёшларимизнинг бурчига айланиши даркор.



Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

◆ Мақолада Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида миллий норматив асосларни такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган энг сўнгги қонунларнинг аҳамияти таҳлил қилинган.

◆ В статье проведен анализ значения самых последних законов, принятых в целях совершенствования национальных нормативных основ в области реформирования судебно-правовой системы Республики Узбекистан.

◆ In the article, analyzed the the latest laws, adopted in order to improve the national normative foundations in the area of the reform of the judicial system of the Republic of Uzbekistan.

Таянч сўзлар: суд-ҳуқуқ тизими, судлар, демократик ислоҳотлар, хабеас корпус, ҳуқуқий нормалар, либераллаштириш.

Ключевые слова: судебно-правовая система, суды, демократические реформы, хабеас корпус, правовые нормы, либерализация.

Key words: the judicial and legal system, courts, democratic reform, habeas corpus, the rule of law, liberalization.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг пировард мақсади ҳам фуқароларга муносиб турмуш шароити яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб ҳимоя қилишлари учун мавжуд қонунларни янада такомиллаштиришдир. Яна шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат ҳокимиятининг учта тармоғи принципал тарзда бир-бирдан алоҳида ажратилганлиги ва судларнинг мустақил ҳокимият сифатида эътироф этилиши том маънодаги суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга хизмат қилди. "Судлар тўғрисида"ги Қонун эса янги таҳрирда қабул қилинди. Бу билан суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилишига ҳуқуқий замин яратилди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси билан соҳани босқичма-босқич, изчиллик асосида ривожлантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар дастури амалга ошириб келинмоқда. Бу ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти муҳтарам Президентимиз томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да иккинчи устувор йўналиш сифатида қонун усту-

ворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат эканлиги белгилаб берилди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларидан иборат бўлган ҳамда ҳозирги кунда ўз фаолиятини самарали амалга ошираётган яхлит тизим ташкил этилди. Суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди.

Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш учун судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалалари ҳал этилди, хусусан, суд кадрлари масаласи билан шуғулланадиган махсус орган — Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ташкил этилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан ҳам кўплаб эътиборга молик қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва тегишли тартибда айримларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Биргина ўтган 2012 йил парламент фаолияти учун самарали кечди, десак хато бўлмайди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Кон-

цепциясида белгилаб берилган жамиятни ва давлатни ривожлантиришнинг том маънодаги янги босқичи мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим вазифаларини, хусусан, оила институтини жамиятнинг асоси сифатида мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгилаб берилган мақсадли вазифаларни ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Айниқса, бу жараёнда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, суд ва гуманитар соҳалардаги ислохотларни бардавом ривожлантиришни, жамиятни ислох этиш, демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг узоқ муддатли дастурларини самарали амалга оширишни, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини амалий жиҳатдан янгилашни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонун ва қарорлар қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бинобарин, ўтган йили Қонунчилик палатаси томонидан 30 та қонун қабул қилинган бўлса, бу қонунларнинг 9 таси Концепцияга мувофиқ тайёрланган. 28 та қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектларнинг бу жараёндаги фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, қонунчилик ташаббуси тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 6 та, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 19 та, Бош прокурор томонидан 2 та ва бошқа субъектлар томонидан 3 та қонун лойиҳаси парламент куйи палатаси муҳокамасига киритилган.

Қабул қилинган қонунлар энг аввало, конституциявий ислохотларни мантиқан давом эттиришга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилиги принциплари ва нормаларига, шунингдек, Олий Мажлисга, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган. Хусусан, "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Конституциявий қонун ушбу вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида қонун устуворлигини, қонунийликни, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга, жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликни эркинлаштиришга, судга қадар иш юритиш босқичида суд назоратини мустаҳкамлашга, "Ҳабеас корпус" институтини татбиқ этиш соҳасини кенгайтиришга

қаратилган 7 та қонун қабул қилинди.

Хусусан, бу соҳада қабул қилинган янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун қонунийликни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асослилигини, уларнинг қонунларга, социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги, янада самарали механизмларини яратди. Жумладан, қонун вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар кўринишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишлари мумкинлиги мустаҳкамлаб куйилди, низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва регламентлар ўртасидаги мезонлар ажратилиши батафсил тартибга солинди. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мазмунига қўйиладиган талабларга тафсилотлар билан аниқлик киритилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллашни енгиллаштириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар аниқ бўлиши лозимлиги тўғрисидаги қоида муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ҳужжатлар сифатини ошириш заруратини инobatга олган ҳолда, қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизасига жиддий аҳамият берилган бўлиб, бу аввалги қонунчиликдан фарқли равишда ушбу масала янги қонунда 5 та моддада кўриб чиқилмоқда.

"Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига, судга қадар иш юритиш босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассагага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 321 ва 439-моддаларига киритилган ўзгартиришларга кўра, эндиликда жиноят ишини кўзғатиш ҳуқуқи суднинг ваколатидан чиқарилди, суд муҳокамаси чоғида жиноят иши бўйича айблов хулосасини эълон қилиш мажбурияти эса прокурор зиммасига юклатилиши белгилаб қўйилди.

Халқаро ҳуқуқнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини имплементация қилувчи бу қоидалар, шубҳасиз, суриштирув ва дастлабки тергов ишини юритишда суд назоратини кучайтириш имкониятини беради, жиноят процессида "Ҳабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтиради, суднинг суд муҳокамасини адолатли олиб боришга доир асосий вазифаси бажарилишини, унинг мустақил-

лиги, холислиги, бегаразлигини, жиноят процес-сидаги тортишув принципи кучайтирилишини таъминлайди.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун жиноят ва маъмурий қонунчиликни ахлоқийликка қарши жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш орқали янада такомиллаштиришга, зўравонликни, шафқатсизликни ва порнографияни тарғиб этувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган. Хусусан, Жиноят кодексига янги 130¹-модда киритилди. Унга биноан, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш каби хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз баробаридан олти юз баробаригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан жазолаш белгилаб қўйилган. Агар ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист шунингдек, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса — уч йилгача озодликдаи маҳрум қилиш билан жазоланади. Умуман олганда, мазкур қонун инсон онгига, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий қарашларига салбий таъсир қилувчи жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада кучайтириши билан аҳамиятлидир.

"Миллий тикланиш" демократик партиядан сайланган депутатлар гуруҳи ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, қабул қилинган "Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланишига ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилишига хизмат қилади.

Қонун мамлакатда барпо этилган мустақил ва ноёб сайлов институтини янада демократлаштиришга, хусусан, сайлов жараёнларининг янада ошқора ва очиқ бўлишини таъминлашга, сайловолди ташвиқотни ўтказиш механизми, сайлов комиссияларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Хусусан, сайловчиларга ўз нуқтаи назарларини аниқлаштириб олиш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, кимга ва қайси сиёсий партия учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилиш учун қўшимча вақт бериш мақсадида 27-моддага тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, бу норма овоз бериш арафасида турли суиистеъмолликлар ва қоидабузарликларнинг юз бериш эҳтимолини бартараф этиш имконини беради. Ундан ташқари, сайловолди ташвиқотида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари, усулларида фойдаланиш ҳамда муддатидан олдин овоз беришнинг аниқ муддатлари, тартиби ва тартиб-таомиллари ҳам белгилаб қўйилди.

Бу каби киритилган қўшимчалар сайловлар — мамлакатда амал қилувчи ҳуқуқий нормаларнинг демократлигини белгилувчи муҳим масала эканлигига, сайловлар ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас қисми, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда тўғридан-тўғри иштирок этишининг асосий шакли эканлигини ифода этади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқроқ амалга оширишга, мамлакатимизнинг сайлов тизимини янада демократлаштиришга, сайлов ташвиқотини олиб бориш жараёнида депутатларга, сиёсий партияларга тенг шароитлар таъминланиши самарадорлигини оширишга, шунингдек депутатликка сайловнинг ошқоралиги ва очиқ-ойдинлиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, Концепцияда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида берилган таклифлар суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, мамлакатимизда қонун ўс-туворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончлироқ ҳимоя қилиш мақсадларига эришиш имконини беради.



Фурқат ШОДМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари бошлиғи ўринбосари, ю.ф.д., проф.

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

◆ Мақолада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг тушунчаси, моҳияти, бошқа ҳуқуқий жавобгарликлардан фарқи, шунингдек, ушбу жавобгарликни қўллашда мавжуд бўлган баҳсли муаммолар кўриб чиқилган.

◆ В статье рассматриваются понятие и сущность гражданско-правовой ответственности, её отличие от других правовых ответственностей, а также имеющиеся спорные проблемы по рассмотренному вопросу.

◆ The article considers the legal concept, the essence of civil responsibility, its difference from other legal responsibilities and available problems, when applying such responsibility.

Таянч сўзлар: фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, жавобгарлик турлари, фуқаролик ҳуқуқи, зарар, эгри сабабий боғлиқлик, тўғридан-тўғри сабабий боғлиқлик.

Ключевые слова: гражданско-правовая ответственность, виды ответственности, гражданское право, ущерб, косвенная причинная связь, прямая причинная связь.

Key words: civil responsibility, types of responsibility, civil law, detriment, indirect causal connection, a direct causal link.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бугунги босқичида демократик бозор ислохотлари ва иқтисодийэтни либераллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган концепция¹ алоҳида ўрин тутганини таъкидлаган ҳолда, унда белгиланган ҳуқуқий ислохотларни ўрганишга, концепцияда кўзда тутилган иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил этишга бағишланган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бунда концепцияда белгиланган суд-ҳуқуқ ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид фикрларга ҳамоҳанг равишда илмий тадқиқот олиб бориш ҳуқуқшунослик фанлари олдидаги асосий йўналишлардан бири саналади.

Ҳуқуқий жавобгарлик, шу жумладан, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосини ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Жавобгарлик қонунда назарда тутилган ва ман этилган шарт-шароитларда содир этилган хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун вужудга келади. Жавобгарликнинг юридик ва фактик асослари бир-биридан фарқ қилади. Қонунда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркиби юридик асос бўлиб хизмат қилади, фактик асос эса аниқ, содир этилган ҳуқуқбузарликдир. Амалда содир этилган ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарлик вужудга келади. Бу қонунийлик тамо-

йили пойдеворини ташкил этадиган умумтан олинган қоидадир.

Жиноий, маъмурий ва меҳнат ҳуқуқлари бўйича фақат қонун бузилган ҳолларда, қонун асосида фуқаролик ҳуқуқи бўйича қонун ва шартномага асосан жавобгарликка тортиш лозимлиги ушбу қоиданинг энг муҳим талабидир.

Жавобгарлик баъзан юридик маънода қонунга зид, содир этилган айб мавжуд бўлган хатти-ҳаракат назарда тутилади. Ушбу нуқтаи назар бўйича шахс томонидан унинг айби билан содир этилган хатти-ҳаракатгина ғайриқонуний деб тан олинади. Айб билан боғлиқ бўлмаган, қонунга зид хатти-ҳаракат фақат ташқи томондан ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат бўлиб кўринади. Жавобгарлик вужудга келишига сабаб бўладиган айбсиз ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар юридик моҳияти юзасидан баҳс юритилмайди. Аммо бундай хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарлик ўртасидаги муносабатлар турлича белгиланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқбузарликларнинг алоҳида ўзига хос томони уларнинг айбсиз содир этилиши мумкинлигида эмас, яъни айбсиз ҳуқуқбузарлик бўлмайди. Фуқаролик қонунчилигининг ўзига хослигини унинг объектив ёки ташқи томонидан ғайриҳуқуқий, айбсиз, аммо ҳуқуқбузарлик деб аталиши мумкин бўлмаган хатти-ҳаракатлар учун бир қатор ҳолларда жавобгарлик белгилашида кўради. Ҳуқуқбузарнинг айби

фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликда муҳим ўрин эгаллайди. Аммо бу ҳол фуқаролик қонунчилигида ҳуқуқбузарнинг айбини мажбурий элемент сифатида ўзида мужассам этмаган алоҳида ҳуқуқбузарлик таркиблари назарда тутилишига тўқинлик қилмайди. Жиноят ҳуқуқидан фарқли равишда фуқаролик ҳуқуқидан ҳуқуқбузарликнинг бир хил таркибларини айбнинг шакли билан эмас, балки айбнинг ўзи билан, яъни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир этган шахснинг айби мавжудлиги ёки йўқлиги билан чегараланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш учун қўйидаги тўртта шарт бўлиши талаб этилади:

биринчидан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

иккинчидан, зарарнинг мавжудлиги;

учинчидан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир бўлган зарар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши;

тўртинчидан, қарздорнинг ёки зарар етказувчининг айби бўлишидир.

Барча ҳуқуқбузарликлар инсонлар томонидан уларнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилади. Шу сабабдан барча ҳуқуқбузарликларнинг таркибини кўриб чиқиш одатда шахснинг хатти-ҳаракатини кўриб чиқишдан бошланади.

Ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат билан унинг оқибатлари ўртасидаги сабабий боғлиқлик фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибининг асосий элементларидан биридир.

Зарар — ҳуқуқий бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда)дир. Яъни қарздор томонидан мажбуриятнинг бутунлай ижро этилмаслиги ёки лозим даражада ижро этилмаслиги оқибатида кредитор томонидан қилинган харажатлар, мулкнинг йўқотилиши ёки камайишидир.

Ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат билан унинг оқибати сифатида зарарли натижаси ўртасида боғлиқлик бўлмаса фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик ҳам вужудга келмайди.

Фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибининг элементи сифатидаги сабабий боғлиқлик фуқаролик жавобгарлик чегараларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Мажбуриятнинг бузилиши билан боғлиқ кўпгина ҳолларда сабабий боғлиқлик борми-йўқми деган масала деярли шак-шубҳа туғдирмайди. Бундай бўлиши айниқса, ҳақиқий зарар етказилганда юз беради. Маълумки, ашёни ўз вақтида етказиб берилмаганлиги билан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, ишчилар ишсиз қолиши ўртасидаги сабабий боғлиқлик борлиги тушунарли ҳолат,

лекин ашёни ўз вақтида етказиб бермаслик билан уни транспортдан тушириш билан боғлиқ ҳаракатлар ўртасида сабабий боғлиқлик йўқ, чунки ашёлар ўз вақтида етказиб берилган тақдирда ҳам ушбу харажатлар қилинган бўлар эди. Контракция шартномаси бўйича ўз вақтида етказиб берилган тез бузиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчи корхона ўз вақтида қабул қилинмаганлиги билан маҳсулотни сифатини пасайиб кетиши ва у кам нарҳда баҳоланиши ўртасида сабабий боғлиқлик бўлиши мумкин. Лекин маҳсулотни корхонага етказиш билан боғлиқ транспорт харажатлари билан уни ўз вақтида қабул қилмаслик ўртасида сабабий боғлиқлик йўқ, чунки маҳсулот ўз вақтида қабул қилинган тақдирда ҳам ушбу транспорт харажатлари сарфланган бўлар эди.

Амалиётда сабабий боғлиқлик тўғрисидаги масалани ҳал қилишда анча муаммолар мавжуд. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича пудратчига 400 маркали цемент ўрнига 100 маркали цемент етказиб берилди, пудратчи цементнинг маркасини текширмай қурилишда ишлатиб юборади, натижада бажарилган иш сифатсиз чиқади. Яна бир мисол, қишлоқ хўжалиги ширкатининг аъзоси маҳсулот ҳосилини оширишга ёрдам берадиган азот ўрнига билмасдан ҳашаротга қарши қўлланиладиган химиявий воситани ишлатади, натижада мўлжалланган ҳосил ва бунинг натижасида даромад олинмай қолади, атроф-муҳит зарарланади. Бундай ҳолатларда кимнинг ҳаракати ҳуқуқбузарлик оқибатлари юзага келиб чиққанлиги учун сабаб бўлганлигини аниқлашда муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, ушбу масалани тўғридан-тўғри сабабий боғлиқлик ва эгри сабабий боғлиқлик назариясига асосан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Мажбуриятнинг бажарилмаслиги ва зарарнинг келиб чиқишида сабабий боғлиқлик масаласи олдини олиб бўлмайдиган кучнинг содир бўлишига ҳам алоқадордир.

Сабабий боғлиқлик ҳақидаги назарияда иккита асосий қоида мавжуд. Биринчидан, сабабий боғлиқлик бизнинг онгимиздан қатъи назар ҳодисалар ўртасидан таркиб топган объектив боғланишлардан иборат. Шундай экан ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғлиқлик бор ёки йўқ эканлиги ҳақидаги масалани аниқлашда ҳуқуқбузарнинг ўз хатти-ҳаракатлари натижаси салбий оқибатлар олиб келишга ва унга олдиндан баҳо бериш ҳамда унинг олдини олиш имкониятига эга дейишлик нотўғри бўлар эди. Салбий оқибатларга олиб келишини, зарар келтиришни олдиндан кўра билиш имконияти субъектив характерга бўлиб, ҳар кимнинг онги ва тушунчасига боғлиқ. Бу эса ҳуқуқбузарликнинг айби бор ёки йўқлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда муҳим аҳамият касб

этади. Иккинчидан, сабабий боғлиқлик ва унинг оқибати муайян ҳолатга нисбатан ҳам боғлиқ. Агар зарар ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат натижасида содир бўлса, сабабий боғлиқлик тўғридан-тўғри характерга эга бўлади (транспорт идораси иситиш корхонасига ёқилғи маҳсулотини етказиб бериш тўғрисидаги шартномани бузса, натижада корхона қимматбаҳо ёқилғи учун ортикча маблағ ишлатса). Аммо зарар ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат натижаси бўлса ҳамда уни келтириб чиқарган асосий сабаб турли ҳолатларда юз берса, бунда эгри сабабий боғлиқлик юзага келади (тўсатдан қуйган жала натижасида ёқилғининг сув остида қолиб кетиш хавфининг олдини олиш учун уларни бошқа жойга кўчиришга сарфланган қўшимча харажатлар).

Бу ерда эгри сабабий боғлиқлик ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик, шартноманинг лозим даражада бажармаслиги) билан ҳеч қандай қонуний боғлиқлик эмасдек кўринади. Агар моддий зарарнинг кўпайишига маълум воқеалар сабаб бўлмаганда эди, у эҳтимол юзага келмасди. Аммо бу икки ҳолат, яъни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат ва зарар шубҳасиз бир-бири билан бевосита боғлиқ. Шундай экан улар ўртасида тўғридан-тўғри сабабий боғлиқлик мавжуд. Лекин ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) бўлмаганда эди, сабабий боғлиқлик ҳам бўлмасди. Бошқача айтадиган бўлсак, эгри сабабий боғлиқлик бир қанча ҳодисалардан иборат бўлиб, шундан биттаси ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат ёхуд ҳаракатсизликдир, қолганлари эса зарарнинг кўпайишига сабаб турли ҳолатлардир.

Сабабий боғлиқликни ушбу белгилари бўйича бир-биридан фарқлаш, айтиб ўтилганидек, амалий мулоҳазаларга биноан шартнома бузилганлиги учун жавобгарликни белгилашда амалга оширилади. Бундай фарқлаш амалга

оширилмасдан туриб, зарар етказувчи томоннинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг табиий натижаси бўлмиш ҳақиқий зарар ёки бой берилган фойда учун у жавоб берадими ёки ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар билан у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган сабабий боғлиқликдан келиб чиққан тахминий зарар учун ҳам жавоб берадими деган саволларнинг ечимини топиб бўлмайди.

Масаланинг бундай қўйилиши мақсадга мувофиқ эканлиги маълум бўлса-да, сабабий боғлиқликни тўғридан-тўғри ва эгри сабабий боғлиқликка ажратиш зарурияти назарияда анча баҳсга сабаб бўлган. Ҳуқуқбузарликка асос бўлган бевосита сабабларни аниқлаш, яъни етказилган зарарга нисбатан алоқадор бўлган ҳодисаларни аниқлаш мақсадга мувофиқ. Шартнома шартларини бузган тарафнинг ҳуқуқбузарлик ҳаракати натижасида етказилган зарар учун фақат шундай ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин. Ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат билан етказилган зарар ўртасида эгри сабабий боғлиқлик шундан дарак берадими, ушбу ҳаракатлар аниқ ҳолатлар доирасидан, яъни юридик аҳамиятга эга бўлган сабабий боғлиқлик доирасидан ташқарида туради. Шундай экан мажбурият бузилганлиги учун эгри сабабий боғлиқлик жавобгарликни қўллаш учун асос бўлмайди.

Юқорида келтирилган ҳолат бўйича, шартномада кўрсатилмаган маркали цементни текширмай қабул қилган ва ишлатган пудратчининг ҳаракати билан етказилган зарар ўртасида тўғридан-тўғри сабабий боғлиқлик мавжуд. Бу эса жавобгарлик вужудга келиши учун асос бўлади. Цемент етказиб берган корхонанинг ҳаракати натижасида курилишнинг сифатсиз бўлиши жавобгарликни юклаш учун етарли бўлмаган эгри сабабий боғлиқликдир.



¹ И.А.Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. - Т.: Ўзбекистон 2011 йил. - 56 б.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти бўлим бошлиғи, ю.ф.н.

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

- ◆ Мақолада икки палатали парламент шароитида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.
- ◆ В статье анализированы правовые основы взаимодействия Олий Мажлиса Республики Узбекистан с Кабинетом Министров в условиях двухпалатного парламента.
- ◆ This article is devoted to analyse the legal bases of the interaction of the parliament and the government in condition of bicameralism.

Таянч сўзлар: парламент, давлат ҳокимияти, депутатлар, ҳукумат, қонун ижодкорлиги.

Ключевые слова: парламент, государственная власть, депутаты, правительство, нормотворчество.

Key words: parliament, national authority, deputy, government, law creation.

Давлат олдида турган мақсад ва вазифалар, функцияларни амалга ошириш давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини, ҳаракатлар уйғунлигини тақозо қилади. Бу айниқса, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари фаолиятида сув билан ҳаводек ўта зарур. Чунки, ушбу органлар умумий принциплар ва пировард мақсаднинг ягоналиги билан бири-бирига боғланган. Бири фаолият тартибини белгилаб берса, иккинчиси, фаолиятни амалга оширади. Шунинг учун ҳар иккала орган ҳам давлат вазифа ва функцияларини амалга ошириш учун ўзаро келишилган ҳолда ҳаракат қилишга мажбурдир. Масалан, биргина давлатнинг иқтисодий функциясини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқади, Олий Мажлис уни тасдиқлайди, бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш жараёни ҳам худди шу кетма-кетликни талаб қилади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижасида улар ўртасида қуйидаги шаклларда алоқадорлик ва ҳамкорлик мавжудлигини қайд этиш лозим:

парламент томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг тизими ва ваколатларининг белгиланиши, парламент олдидаги жавобгарлик; парламентнинг Бош вазир номзодини кўриб чиқиши ва тасдиқлаши; ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки; Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатлари давридаги фаолияти дастурини тақдим этиши, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиши ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўриб чиқиши учун тақдим этиши; Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тuzилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш; биргаликдаги матбуот органлари уставлари ва раҳбар органларини шакллантириш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик.

Парламент томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг тизими ва ваколатларининг белгиланишини 1993 йил 6 майда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги

(29.08.2003 йилда янги таҳрири тасдиқланган), 1993 йил 2 сентябрда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги ҳамда унда мазкур органларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилганлигида кўришимиз мумкин.

Парламентнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлашининг ҳуқуқий асослари Конституциямизнинг 78, 93, 98-моддаларида белгилаб қўйилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақлиф этади. Бош вазир номзоди унинг учун тегишinchа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади¹.

Икки палатали парламент шароитида 2005, 2010 йилларда Қонунчилик палатаси ва Сенат Бош вазир номзодини тасдиқлаш ҳақида ўз қарорларини қабул қилдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши Конституциянинг 98-моддасида белгиланиб, ўтган 2005, 2010 йилларда Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги барчамизга маълум.

Агар ушбу икки давлат ҳокимияти органининг қонунчилик жараёнидаги ҳамкорлигини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги Вазирлар Маҳкамасининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти эканлиги (83-модда), Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари ижросини таъминлашини акс эттирувчи нормаларни (98-модда) келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ижодкорлиги жараёнининг энг фаол субъектларидан бўлиб, унинг парламент палаталари билан ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш қонун ижодкорлиги сифатига муҳим таъсир ўтказди. Агар Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилга мўлжалланган қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича дастурида 28 та қонун лойиҳасини Олий Мажлисга киритиш белгиланган бўлса², 2012 йилда эса 23 та³, 2013 йилда эса режалаштирилган 11 та қонун лойиҳасини тайёрлаш ва парламентга киритиш белгилаб қўйилган⁴.

Парламентга киритилаётган қонун лойиҳалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарияти Вазирлар Маҳкамасининг ташаббуси билан қилинган. Бу табиий ва тўғри, жаҳон тенденциясига мос жараён дир. Чунки, ҳукумат ўзининг кундалик давлат бошқаруви фаолиятида турли хил масала ва муаммоларга, зиддиятларга дуч келиб, ушбу долзарб муносабатларнинг зудлик билан ечимини топиш учун қонун қабул қилишни сўраб парламентга мурожаат қилади. Парламент шунингдек, айрим ҳукуматлараро тузилган шартномаларни ҳам қонун шаклида ратификация қилиб бормоқда.

Агар ушбу икки давлат ҳокимияти органининг давлат бюджети борасидаги ҳамкорлигини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги Олий Мажлис палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиши ва унинг ижросини назорат этиши (78-модда) тўғрисидаги нормани келтириб ўтиш мумкин. Агар 2005-2013 йиллардаги Давлат бюджетини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнларини таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар йили Давлат бюджети масаласи **беш марта** кўриб чиқилишини кузатиш мумкин: 1) ўтган йилги ижроси; 2) йилнинг биринчи чорагидаги ижроси; 3) биринчи ярим йилликдаги ижроси; 4) тўққиз ойлик ижроси; 5) кейинги йилги бюджет лойиҳаси тўғрисидаги масала.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиши ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўриб чиқиши учун тақдим этишининг бир кўриниши сифатида 2010 йилдан “Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”ларини парламент томонидан тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш, бу бўйича ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ахборотларини эшитиш амалиёти шаклланди⁵.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш соҳасидаги ҳамкорликка келадиган бўлсак, унинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида, 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги⁶ ва 2011 йил 12 октябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектлар номлари тўғрисида”ги⁷ Қонунларида белгилаб қўйилган. Унга кўра, вилоятларни тузиш ва тугатиш Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Туманларни тузиш ва тугатиш эса тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. 2005-2013 йилларда Олий Мажлис палаталари Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани номини ўзгартириш тўғрисидаги (2005), Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиш ҳамда унинг ҳудудини Қизириқ туманига бирлаштириш тўғрисидаги (2010), Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги (2010), Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини ўзгартириш, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ва Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг номини ўзгартириш тўғрисидаги (2010), Шаҳрисабз шаҳрининг чегарасини тасдиқлаш тўғрисидаги (2010), Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳри ва Фарғона тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги (2012) масалаларни кўриб чиқди.

Олий Мажлис палаталари юқоридагилардан ташқари баъзи бир соҳаларда ҳам Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорлик қиладики, бунга экспорт назорати соҳасини мисол қилиб келтириш мумкин. Унга кўра, 2004 йил 26 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Экспорт назорати тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасига асосан “Ялпи қирғин кўролини ишлаб чиқаришда компонентлар сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ядровий, кимёвий ва бактериологик (биологик) материалларни, шу жумладан ўта хавфли инфекцияларнинг патогенлари ва штаммларини олиб чиқиш қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан келишувга биноан амалга оширилади”⁸.

Парламент палаталари ва ҳукумат давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муносабатларида ҳам ўзаро ҳамкорлик қилиб, 1991 йил 19 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасига асосан “Ўзбекистон Республикасининг оммавий мулки-

ни республика мулкига ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкига (муниципал мулкка) ажратишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан амалга оширади”⁹.

Бундай ҳамкорликни ёшларга оид сиёсатни белгилашда ҳам кўришимиз мумкин. 1991 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасига асосан “Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган давлат дастури негизида амалга оширилади”¹⁰.

Парламент палаталари ва ҳукумат 1996 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига асосан ҳам ҳамкорлик қилади. Унга кўра, давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси номидан шартномалар тузиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган эгадир. Давлат навбатдаги молия йили учун хориждан жалб қиладиган маблағнинг энг кўп миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади”¹¹.

Марказлаштирилган инвестицияларни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилишда парламент ва ҳукуматнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж мавжуддир. 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, умумдавлат аҳамиятига молик бўлган аниқ мақсадга мўлжалланган комплекс давлат дастурларининг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат бюджетидан молияланадиган инвестицияларнинг ҳажмларини тасдиқлайди”¹².

Биргаликда матбуот органлари уставлари ва раҳбар органларини шакллантириш йўналишидаги ҳамкорликка келадиган бўлсак, унга кўра Қонунчилик палатаси ва Сенат Кенгашлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси биргаликда қўшма қарор қабул қилиб, “Халқ сўзи” ва “Народное слово”, “Нурлы жол”, “Овози тожик” газеталари таҳририяти давлат корхоналарининг уставларини тасдиқлайдилар”¹³. Шундай қўшма қарорлар билан “Халқ сўзи” ва “Народное слово”, “Нурлы жол”, “Овози тожик” газеталари бош муҳаррирлари, уларнинг ўринбосарлари, таҳрир хайъатларини тасдиқлайдилар.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари

мажлисларида, палаталарнинг қўмиталари мажлисларида ҳозир бўлиш ва ахборот беришга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг муайян аъзолари фаолиятига тааллуқли масалалар қўйилган тақдирда, Бош вазир шу масалалар юзасидан зарур тушунтиришлар олиш ва тушунтиришлар беришга ҳақли. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли қўмиталарига келишилган муддатда маълум қилади. Мазкур қонуннинг 9-моддасига асосан

эса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидан, Қонунчилик палатаси депутатидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатидан, Сенат аъзосидан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ёки унга бўйсунувчи давлат ёхуд хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятига доир парламент сўрови олган Вазирлар Маҳкамаси ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзоси қонун билан белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палаталарининг мажлисларида оғзаки ёки ёзма жавоб бериши шарт¹⁴.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда давлат олдида турган мақсад ва вазифалар, функцияларни амалга ошириш учун давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини, ҳаракатлар уйғунлигини таъминлашга қаратилган етарлича ҳуқуқий база яратилган ва бунда қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида самарали фаолият юритмоқдалар.



¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012. – 40-б.

²Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2011. – №10-11, – ст.101.

³Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012. – №14, – ст.153.

⁴Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013. – №12, – ст.154.

⁵Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009. – №7, – 300-модда.

⁶Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996. – №9, – 139 модда.

⁷Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011. – №10, – 273-модда.

⁸Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2004. – №9, –158-модда.

⁹Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1992. – №1, – 43-модда.

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1992. – №2, – 80-модда.

¹¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996. – №9, – 126-модда.

¹²Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999. – №1, – 10-модда.

¹³Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. – №48-49, – 481-модда.

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003. – №9-10, –138-модда.

А.МИРЗАЕВ,
Начальник международного отдела Исследовательского центра
при Верховном суде, доктор юридических наук,

ВНЕДРЕНИЕ ЭЛЕКТРОННОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ГРАЖДАНСКИХ СУДОВ УЗБЕКИСТАНА

- ◆ Мақолада замонавий информацион технологияларни судлар фаолиятига татбиқ этишининг долзарблиги ва замонавий ҳолати бўйича масалалар кўриб чиқилган.
- ◆ В статье рассматриваются вопросы современного состояния и актуальности внедрения замонавий информационно-коммуникационных технологий в деятельность судов.
- ◆ The article discusses the current situation and the relevance of the introduction of modern IT in the work of the courts.

Таянч сўзлар: фукаролик ишлар бўйча судлар, информацион технологиялар, шаффовлик.
Ключевые слова: суды по гражданским делам, информационные технологии, прозрачность.
Key words: civil courts, information technology, transparency.

нию востребованности специалистов, подготавливаемых образовательными учреждениями, в реальной экономике и сферах жизнедеятельности страны.

27 января 2010 года Президентом была утверждена Государственная программа «Год гармонично развитого поколения». Приоритетным направлением данной программы стали вопросы заботы о молодых семьях, защиты здоровой и прочной семьи, являющейся важным, решающим звеном общества, где наши дети воспитываются достойными представителями своего народа.

2012 год — объявлен «Годом семьи». Принятая соответствующая программа, предусматривала осуществление широкого комплекса мер по укреплению и развитию института семьи, усилению правовой и социально-экономической за-

щиты интересов и поддержке семьи, особенно молодой семьи, воспитанию физически здорового, духовно зрелого и гармонично развитого поколения.

В целях реализации комплекса целенаправленных мер по мобилизации ресурсов и возможностей, широкому вовлечению государственных, негосударственных и общественных организаций в осуществление задач по повышению уровня и качества жизни народа, обеспечению благополучия, процветания, мира и согласия в стране 2013 год был объявлен «Годом благополучия и процветания».

Все эти мероприятия еще раз наглядно доказывают, что воспитание молодого поколения всегда будет основной задачей нашего государства, нашего общества.



¹ Каримов И.А. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. Выступление на IX сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан. «Учитель Узбекистана», 3 сентябрь 1997 г.

² Кадыров Р.Х. Защита прав и свобод граждан – главная цель судебной реформы. «Народное слово» 23 май 2008 г.

³ Тренихина С.Ю. Проблемы формирования правовой культуры старшеклассников. // Известия Уральского государственного университета. – 2007 г. № 51. – С. 239.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТНИНГ ЭРТАНГИ ТАЯНЧИ

- ◆ Мақола мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун яратилган шарт-шароитлар ва уларнинг ҳуқуқий кафолатларига бағишланган.
- ◆ Статъя посвящена условиям, созданным для социального, духовного и гармоничного развития молодежи в стране за годы независимости, и их правовым гарантиям.
- ◆ The article is devoted to favorable conditions for the youth according to their social and spiritual development in the country for the years of independence and their legal guarantees.

Таянч сўзлар: баркамол авлод, бола ҳуқуқлари, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим соҳаси, назоратсизлик.

Ключевые слова: гармонично развитое поколение, права ребенка, национальная программа по подготовке кадров, образовательная сфера, беспризорность.

Key words: harmoniously developed generation, child's rights, national program for training, educational area, homelessness.

1991 йил 20 ноябрь. Бундан салкам 22 йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги дунёга эълон қилинган бир пайтда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишида ўзига хос рамзий маъно бор эди. Мазкур қонуннинг муқаддимасида давлат халқ манфаатларини кўзлаб, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунга асосланиб, республика ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириши алоҳида қайд этилди. Истиклолнинг дастлабки йилларида белгиланган ушбу давлат сиёсати босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиб борилди.

Жумладан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши ва мактаб ишлари давлат назоратида бўлиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, республикада БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид асосий халқаро шартномаларга қўшилди. Шулар қаторида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид халқаро стандартларни белгилаб берувчи "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғри-

сида"ги ҳамда "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги конвенцияларни кўрсатиш мумкин. Ушбу ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқ нормалари миллий қонунчилигимизда ўз аксини топди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунлар, хусусан, миллий таълим тизимимизнинг асосий пойдевори бўлган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳаётга татбиқ этилди.

Халқимизда "Вақт олий ҳакам" деган нақл бор. Миллий таълим тизимидаги биз танлаган мазкур йўл ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтди. Юксак билим ва юқори касбий малакага эга ёшларимизнинг улкан илмий салоҳияти, эришаётган ютуқларини кўрганда, бу эзгу ишлар ўз ҳосилини бераётганига, орзу-ниятларимиз ушалаётганлигига шуқуруна айтамыз. Қисқа муддатларда барпо этилган 1500 ортиқ касб-хунар коллежлари, академик лицейларда таҳсил олаётган фарзандларимиз юз-кўзидаги мамнунлик, бахтли ҳаёт сурури барчамизнинг қувончимизга қувонч қўшади. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" ибораси ҳаётда

ўзининг натижасини бераётганидан қувонишга ҳақлимиз.

Таълимга бўлган эътиборни қаранг! Давлатимиз ёш авлод тарбиясига доимий ғамхўрлик кўрсатиб, ҳар йили мамлакат бюджетининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларни молиялаштиришга йўналтирмоқда. Эзгу мақсадларни кўзлаб ажратилаётган бу маблағлар наслимиз давомчиларининг замонавий шароитларда таълим-тарбия олишини таъминлашга хизмат қилаётир. Бу эзгу ишлар бардавом этапти.

Мамлакатимиз таълим тизимида бажарилган эзгу ишларнинг аҳамияти ва даражасини бугун дунё эътироф этмоқда. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида таълим соҳасида ўтказилган ушбу ислохотлар ва унинг натижалари хусусида сўз юритганда, хорижликлар эътибори ва эътирофига сазовор бўлган 12 йиллик беғул таълим тизими ҳақида сўз юритиш, албатта, ўринли бўлади. Мазкур таълим тизимининг ҳуқуқий асослари ҳақида фикр юритганда, бу жараёнларни тартибга солувчи 2 та қонунга алоҳида тўхталиш лозим. Бу Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ҳамда "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунлардир.

"Таълим тўғрисида"ги Қонунда республикамизнинг таълим тизими ягона ва узлуксизлиги ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари белгилаб қўйилди. Ушбу принциплардан таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги тамойилларини алоҳида таъкидлаш лозим. 12 йиллик таълимнинг мажбурийлиги ҳақида гапирганда, боланинг бевосита ўқиш давомида умумтаълим фанларидан сабоқ олиш билан бирга 2-3 та замонавий, бугунги кун талабларига жавоб берадиган мутахассисликка эга бўлиши мумкинлиги кафолатланди.

"Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури" деб ном олган таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг, биз танлаган ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисми эканлигини таъкидлаш жоиз. Миллий дастурни босқичма-босқич рўёбга чиқариш орқали таълим тизимини ривожлантириб бориб, халқаро стандартларга мослаштириш бевосита қонунда белгилаб қўйилганлиги натижасида бу борадаги ишлар аниқ режа ва тартиблар ҳамда муддатлар асосида амалга оширилди ва бугун ҳам давом эттирилмоқда. Хуллас, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонун таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастурининг ҳуқуқий асосини белгилаб берди.

Фарзанди, зурриётининг келажаги учун қайғуриб яшайдиган халқимизнинг таълим-тарбия масаласидаги орзу-умидлари, ниятлари амалга ошмаяпти. Буни ушбу қонунлар мазмун-моҳияти ва унинг ижросида кўраяпмиз.

19 ёш инсоннинг мустақил ҳаёт бўсағасидаги

энг муҳим даври ҳисобланади. Илгари бу ёшдаги ўсмирлар олий ўқув юртига кира олмаса даладан бошқа жойда ишлаши амри маҳол эди. Ҳозир-чи? Бу ёшдаги коллеж битирувчилари тайёр мутахассис. Улар ўз мутахассислиги бўйича турли корхона ва ташкилотларга ишга кириб, мустақил ҳаётга дадил қадам қўймоқда.. Фикримизни Сергели тумани мисолида давом эттирсак. 2012-2013 ўқув йилида тумандаги 7 та касб- ҳунар коллежини 3172 нафар ўқувчи битирди. Сергели туман прокуратураси ташаббуси билан бошқа масалага масъул идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 16 маротаба меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Мазкур битирувчиларнинг асосий қисми ўзлари таҳсил олган касб- ҳунар бўйича меҳнат фаолиятини бошлаган.

Фуқароларнинг, шу жумладан, вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари олдида қўйилган энг долзарб вазифалардан биридир. Ушбу вазифа тўлақонли бажарилишини таъминлаш хусусида Республикамиз Бош прокурорининг алоҳида буйруғи қабул қилинган. Унда вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини олиб боришдаги устувор йўналишлар қатъий белгилаб берилган. Ана шу вазифаларни бажариш учун туман прокуратураси томонидан бу борада доимий равишда назорат тадбирлари олиб борилиб, қонунни бузган айбдор шахсларнинг жавобгарлиги қатъиятлик билан ҳал этилмоқда.

Халқимизда "Беш қўл баробар эмас" деган ибратли нақл бор. Баъзи оилаларда ота-оналарнинг масъулиятсизлиги, жамоатчиликнинг эътиборсизлиги туфайли умумтаълим мактабларидаги дарс жараёнларига қатнашмаётган ёки мактабдан кейинги таълимда ўқишни давом эттирмаётган вояга етмаганларнинг учраётганлиги сир эмас. Жорий йилнинг февраль ойида Сергели туман прокуратураси томонидан масалага дахлдор бошқа идора ва ташкилотлар билан биргаликда "Сергели ихтисослашган бозори" МЧЖ ҳудудида ўтказилган назорат тадбирида 20 нафарга яқин вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиб, автомобилларни ювиш ёки техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб юрганлиги аниқланган. Бу вояга етмаганларнинг таълим-тарбиясига жавобгар бўлган ота-оналар ва таълим муассасаси мутасаддиларига нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Ота-она фарзанди тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари, қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таъ-

лим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик уларни маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун ёшлар таълим-тарбиясига янада жиддийроқ эътибор қаратишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифасида амалда ўзининг аҳамиятини яққолроқ намоеън этди. Мазкур қонунда вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси билан бевосита шуғулланувчи идора ва муассасалар, органлар, шунингдек, уларнинг ишини мувофиқлаштирувчи, иш фаолияти доимий бўлган вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг аниқ вазифалари белгиланди. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ушбу қонунда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриши лозимлиги ҳақидаги норма белгиланган. Сергели туман прокуратураси бошқа тегишли идора ва муассасалар билан ҳамкорликда туман ҳудудида жойлашган интернет-кафелар, барлар, клублар ва бошқа турли маиший кўнгилочар дам олиш масканларида мунтазам тунги рейд тадбирларини ўтказиб келаяпти. Мазкур тунги тезкор тадбирларда айрим вояга етмаганлар ота-оналарининг назоратсизлиги ҳамда маиший дам олиш масканларида иш юритаётган шахсларнинг бепарволиги туфайли бемаҳалгача қолиб кетаётган ҳолатлар афсуски учраб турибди. Масалан, туманда фаолият кўрсатаётган "Gals telekom" МЧЖ, "Rekos light" хусусий корхонаси, ЯТТ "Мирзаев Шерзод Равшанович"га қарашли интернет-кафеларда тунги 22:00 да сўнг ҳам вояга етмаган шахслар назоратсиз ташлаб қўйилган ҳолатлар аниқланди. Бундай қонунбузарликлар туман ҳудудида фаолият юритаётган кафе ва ресторанларда ҳам аниқланган. Рейд тадбирлари мобайнида аниқланган шунга ўхшаш бир нечта ҳуқуқбузарликлар юзасидан вояга етмаган фарзандини назоратсиз қолдирган ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар ҳамда кўнгилочар маскан масъулларига нисбатан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Дарвоқе, ушбу профлактика тадбирлари вояга етмаганлар ишлари бўйича Сергели туман комиссияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Вояга етмаганлар ўртасида самарали ижтимоий

ҳимоя тизими ҳамда доимий профилактика тадбирларини мунтазам амалга ошириш механизми жорий этилганлиги боис туманда 2013 йилнинг 6 ойи мобайнида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ўтган йилга нисбатан 14 фоизга камайган.

Мактаб ва коллежларда, академик лицейларда таълим-тарбия бепул жорий қилинган. Бундай имконият ва қулай шароитлар дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам мавжуд эмас. Аксарият хориж давлатлари фуқаролари каттагина тўловлар эвазига бундай муассасаларида ўз фарзандларини ўқитаяпти. "Ёшлиқда ўқимабман, буни менга ҳеч ким тушунтирмаган-да", деб афсус чекаётган ёши ўтган кишиларни кўп учратганмиз. Фарзанди таълим-тарбиясига бефарқ қараётган ота-оналарни кўрганганда, "Сизнинг ҳам зурриётингиз эртага мана шундай афсус чекаётганларнинг бирига айланиб қолмасдан, уларга тўғри йўлни кўрсатинг", дегинг келади. Атрофимизда рўй бераётган воқеаларга тўғри ва холис баҳо бермасдан, кечаётган жараёнларга ўзимизнинг дахлдор эканлигимизни ҳис қилмай, "бу ҳуқуқбузарлик ва муаммоларга менинг дахлим йўқ, улар ҳақида ўйлаш менинг ишим эмас, бошқалар бош қотирсин", деган тушунча билан яшашнинг, лоқайдликнинг вақти аллақачон ўтган. Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатини доимо ёдда тутишимиз зарур. Бу ишга дахлдор бўлган барча идора ва муассасалар оилалар билан ҳамжиҳатликда ишласа, бундай муаммо ва ҳуқуқбузарликлар юзага келмайди. Қонунлар орқали бундай ҳуқуқбузарликлар сўзсиз бартараф этилавериши табиий. Аммо бу борада одамларнинг ўзида соғлом фикрни шакллантириш, фарзандининг келажаги, тақдирига бефарқликни йўқотиш жуда ҳам муҳим.

Давлатимиз раҳбари бу масалага "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида алоҳида тўхталиб, "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир" деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари ўтган аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балким ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади", дея таъкидлагани бежиз эмас.

Онгли, виждони уйғоқ инсон борки, ўз фарзанди тақдири, келажаги ҳақида қайғуради. Унинг ҳаётда қоқилишини асло истамайди. Зеро, фарзанд таълим-тарбияси ҳаёт-мамот масаласидир. Ўзимизни Ватан, халқ тақдирига дахлдор, деб билар эканмиз, келажак авлод олдидаги масъулиятни ҳаргиз унутмайлик.

КВАЛИФИЦИРУЮЩИЕ ПРИЗНАКИ ОТВЕТСТВЕННОСТИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

◆ Мақолада вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигини тартибга солиш ва бунда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар ўрганилиб, соҳавий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

◆ В статье рассмотрено состояние регулирования уголовной ответственности несовершеннолетних и отягчающие вину обстоятельства, высказаны мнения по совершенствованию системы отраслевого регулирования.

◆ Examining the system of regulating of the criminal liability of the juveniles and qualifying signs of such responsibility in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, the views on improving of the system of industry regulation were expressed in the article.

Таянч сўзлар: жиноий жазо, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, жавобгарлик, фарқлаш, вояга етмаганлар.
Ключевые слова: уголовное наказание, квалифицирующие признаки, ответственность, дифференциация, несовершеннолетние.

Key words: criminal sanctions, the qualifying signs, responsibility, differentiation, juveniles.

Конституция независимого Узбекистана, который ставит народ Республики источником, государственной власти. Воля народа определяет политику государства, которая должна быть, направлена на обеспечение благосостояния человека и общества, достойной жизни всех граждан Узбекистана.

Реформирование действующего законодательства Республики Узбекистан обуславливает необходимость ясного понимания и последовательного поведения согласованной и гуманной политики и области уголовной юстиции. Такая деятельность во многом зависит от теоретического осознания кардинальных направлений уголовной политики и адекватного их отражения в законодательстве

Одним из основных направлений уголовной политики обоснованно считается дифференциация уголовной ответственности несовершеннолетних, которая находит свое выражение и в формировании законодателем квалифицированных составов преступлений.

Квалифицирующие признаки состава преступления «...являются важным средством дифференциации ответственности в уголовном праве. Рас-

сматриваемые признаки обладают значительным качественным своеобразием в сравнении с признаками основного состава преступления. Суть этой специфики — в отражении квалифицирующими признаками значительного изменения степени общественной опасности содеянного соответствующим обстоятельством. Их функциональное назначение — дифференцировать, градуировать ответственность в уголовном законе, устанавливая новые границы наказания, отличающиеся от типового наказания за простую разновидность преступления»¹.

Насыщенность действующего уголовного закона Республики Узбекистан квалифицирующими признаками достаточно велика. Вполне очевидна и актуальна необходимость сосредоточения внимания на уголовной ответственности несовершеннолетних на исследовании квалифицирующих обстоятельств в науке уголовного права.

Необходимо отметить речь идет о гражданах страны, которые преступили закон, но государство заинтересовано в применении таких мер, которые способствовали бы достижению целей и исправления и выполнению других задач Уго-

ловного кодекса Республики Узбекистан, поскольку это позволяет вернуть обществу, родным и близким людей с ориентацией на позитивное включение в сферу общественных отношений. Достижение такого результата в первую очередь возможно посредством избрания достаточной и необходимой меры ответственности.

Учитывая сказанное, мы определили круг рассматриваемых вопросов и сконцентрировали внимание на освещении правовой и законодательной природы квалифицирующих признаков и обстоятельств ответственности несовершеннолетних. Необходимость специальных норм ответственности несовершеннолетних в уголовном праве прямо вытекает из принципов справедливости и гуманизма. С одной стороны, несовершеннолетний, «ввиду его физической и умственной незрелости, нуждается в специальной охране и заботе, включая надлежащую правовую защиту», и потому общество не может предъявлять ему требования, равные с требованиями, предъявляемыми к лицу зрелого возраста. С другой стороны, особенности психологии несовершеннолетнего позволяют нам лучшим образом реализовать цели уголовного наказания путём применения специальных, менее жёстких мер наказания. Часто оптимальный путь исправления несовершеннолетнего — применение мер воспитательного воздействия, не являющихся уголовным наказанием. В соответствии с ч.1 ст. 87 УК «несовершеннолетними признаются лица, которым ко времени совершения преступления исполнилось четырнадцать, но не исполнилось восемнадцати лет». Минимальный возраст несовершеннолетнего как особого участника уголовного правоотношения — как указано в уголовном законодательстве Республики Узбекистан наступает с 13 летнего возраста по ч.2 ст. 97 УК минимальный возраст уголовной ответственности, уголовное законодательство устанавливает уголовную ответственность по достижении которого может наступать уголовная ответственность с 14 летнего возраста.

Лица, не достигшие 14 — летнего возраста, уголовной ответственности не подлежат. Законодатель исходит из того факта, что малолетний не может в полной мере осознать фактический характер и общественную опасность своих действий (бездействия) либо руководить ими. Несовершеннолетний, достигший возраста уголовной ответственности (14 или 16 лет), который вследствие отставания в психическом развитии не мог в полной мере осознать фактически характер и общественную опасность совершаемых им действий (бездействия) либо руководить ими, также не подлежит уголовной ответственности в соответствии с ч. 5 ст. 17 УК. В случае, если несовершеннолетний не может в полной мере осоз-

навать характер и опасность своих действий или руководить ими не ввиду возрастной незрелости, но в силу психического расстройства, он подлежит уголовной ответственности с учётом положений ст. 18 УК Республики Узбекистан¹ Возрастная незрелость проходит с годами, что не характерно для психических расстройств.

В случае совершения общественно опасного деяния лицом, не достигшим возраста уголовной ответственности либо достигшим этого возраста несовершеннолетним, который вследствие отставания в психическом развитии не мог осознавать характера и опасности совершенного им деяния, отсутствует признак субъекта преступления, т.е. основания для уголовной ответственности. Принудительные меры воспитательного воздействия применяются к этим лицам не в порядке, предусмотренном уголовным законом, но в порядке, предусмотренном административным законодательством.

По достижению 18 — летнего возраста лицо утрачивает правовой статус несовершеннолетнего (эта возрастная граница довольно типична и для иностранных законодательств, согласуется она и с нормами международного права). В соответствии со ст. 86 УК уголовно-правовые нормы, устанавливающие особенности ответственности несовершеннолетних, в исключительных случаях с учетом характера совершенного деяния и суд может применить к лицам, совершившим преступление в возрасте до 18 лет.

Предусмотренная ст. 86 УК ответственность применяется в случаях, когда, лицо, достигшее 18 — летнего возраста, тем не менее, не достигло обычного для этого возраста уровня психической и социальной зрелости, и применения специальных норм об ответственности несовершеннолетних реализацию принципов уголовной ответственности.

Характер совершеннолетнего деяния в этом случае должен быть связан с социальной и психической возрастной незрелостью. Например, чрезмерная возрастная склонность к озорству может лечь в основание применения ст. 86 УК к лицу, причинившему по неосторожности средней тяжести вред здоровью, — к лицу, совершившему кражу. Тяжёлое материальное положение, связанное с возрастной задержкой социализации, напротив, может служить основанием применения ст. 86 УК в случае совершения кражи, но не в случае причинения вреда здоровью².

Среди норм об уголовной ответственности несовершеннолетних следует различать:

— нормы, действующие в отношении лиц, не достигших совершеннолетия ко времени совершения преступления;

— нормы, действующие в отношении лиц, не достигших несовершеннолетия ко времени при-

менения нормы.

Первая группа норм (включая правила о видах наказания, назначения наказания, условно — досрочном освобождении, сроках давности и судимости) — следствие реализации принципа справедливости, смягчение уголовно — правовых последствий, адекватное возрастной незрелости преступника.

Вторая группа норм (определение вида колоний, принудительные меры воспитательного воздействия) обусловлена необходимостью целесообразной организации исправления преступника с учётом возрастных особенности его личности.³

Для правильного применения норм об уголовной ответственности несовершеннолетних необходимо верно установить возраст лица.

Лицо считается достигшем определённого возраста, не в день своего рождения, а начиная со следующих суток. При установление возраста судебно — медицинской экспертизой днём рождения подсудимого надлежит считать последний день того года, который назван экспертами, а при определении возраста минимальным и максимальным количеством лет суду следует исходить из предполагаемого экспертизой минимального возраста того лица.

Обеспечение несовершеннолетнему благоприятных условий, которые «позволяли бы ему развиваться физически, умственно, нравственно, духовном и в социальном отношении здоровым и нормальным путём и в условиях свободы и достоинства» — обязанность общества перед несовершеннолетним⁴.

Исправление и предупреждение преступлений — единственные цели уголовного наказания в отношении несовершеннолетних, реализация их вполне восстанавливает нарушенную социальную справедливость.

Поскольку цели общественного реагирования на совершение несовершеннолетним преступления — цели сугубо утилитарные, наилучшим способом реагирования является применение специальных мер, разработанных для достиже-

ния этих целей. Такими мерами являются принудительные меры воспитательного воздействия, не являющейся уголовным наказанием. Однако понимание исправления в качестве основной цели наказания несовершеннолетних ни в коем случае не исключает применения строгих наказаний к несовершеннолетним, совершившим тяжкие преступления, характер которых свидетельствует о значительной ценностной дезориентации несовершеннолетнего. В этом случае безнаказанность может оказать развращающее влияние на несовершеннолетнего, вызовет у него чувство безответственности (особенно в тех случаях, когда несовершеннолетний не раскаивается в совершении преступления).

Особенности психики несовершеннолетнего и его социального статуса предполагают применение к нему мер уголовного наказания более мягких, в большей степени ориентированных на воспитательное воздействие, и отражают условия жизни несовершеннолетнего в обществе. К несовершеннолетним не применяются суровые меры уголовного наказания, уголовный закон не предусматривает применения к несовершеннолетним наказаний, применение которых невозможно или нецелесообразно ввиду особенностей социального статуса несовершеннолетнего (лишение прав занимать определённые должности, ограничение свободы и наказания, применяемые к военнослужащим).

Преступление — это социальное зло, а преступность несовершеннолетних — зло, увеличенное во много раз. И хотя процент осуждённых судами несовершеннолетних в сравнении со взрослыми невелик, мириться с этим нельзя. Особенно это становится нетерпимым теперь, когда преобразования всех сторон бытия неизбежно и глубоко затрагивают вопросы культуры, духовной жизни. Нужно всеми силами бороться за каждого человека, чтобы никто не пропал для общества. В уголовном законодательстве главное — исправить и перевоспитать несовершеннолетнего, который совершил общественно опасное деяние.



¹ Костарёва Т.А. «Квалифицирующие обстоятельства в уголовном праве» Ярославль. 1993 С.6.

² Уголовный Кодекс Республики Узбекистан Т-2012 г.

³ Комментарий к Уголовному Кодексу Республики Узбекистан Т-2004 г.

⁴ Уголовный Кодекс Республики Узбекистан. Т. — 2012 г.

⁴ Декларация правам ребёнка. 1959 г.

НАМУНАЛИ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИНING ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

◆ Мақолада қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишида юзага келатган муаммолар, сабаблари ва уларни бартараф қилиш йўллари таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу турдаги уй-жойларга бўлган аҳоли талаби ва уй-жойларнинг сифатини янада ошириш масалаларига эътибор қаратилган.

◆ В статье освещены проблемы, возникающие при строительстве домов на основе типовых проектов в сельских местностях, их причины и пути устранения этих проблем. Также, обращено внимание на повышение качества строительства и потребности населения на жилище в сельской местности.

◆ In this article the problems of buildings based on exemplary designs of accommodation in the countries, the reasons of carrying them out and the ways of solving the problems are considered. Also, it is regarded the request of population for this accommodation and more increasing of the quality of buildings.

Таянч сўзлар: Пудратчи, имтиёзли кредит, тендер танлови, давлат уй-жой сиёсати.

Ключевые слова: Подрядчик, льготный кредит, тендерные торги, государственная жилищная политика.

Key words: Contractor, privileged credits, tender selection, government accommodation politics.

Ўзбекистонда қайд этилган ва кўрсаткичлар бўйича айни пайтда оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига эгаллиги, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланганлиги, ҳар уч оиладан бири шахсий энгил автомобилга эгаллиги мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг самараси ўлароқ аҳолининг истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланганидан дарак бермоқда.¹

Бу борада қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш кўламини янада кенгайтириш мақсадида қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш — аҳолининг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно-мазмунини ташкил этади. Унга кўра замонавий муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган

янги ва кўркам уй-жой массивларини барпо этиш — мамлакатимиз қиёфасини ҳар томонлама обод қилишга қаратилган, истиқболга мўлжалланган муҳим вазифа қилиб белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда демографик ўсиш даражаси кескин ортганлигини инобатга олганда, аҳолининг озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жойга бўлган талаби ҳам ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. 2013 йил 1 январь ҳолатида республика аҳолиси 29994,6 минг кишини ташкил қилиб, аҳоли сони 2012 йил бошига нисбатан 439,2 минг кишига ёки 1,5 фоизга ортганлигидан дарак беради.²

Ўз навбатида аҳолининг уй-жойларга бўлган талаби ортиб бориши истиқболда мамлакатда уй-жойларнинг танқислиги ва мавжудларининг нархлари ўсишига замин яратиши мумкин. Бундан ташқари, аҳолида уй-жойга бўлган талабнинг ўсиши билан бирга замонавий, қулай ва барча инфратузилма имкониятларига эга бўлган сўнгги ўзгаришларни ҳам жорий қилиб борилишига ало-

ҳида эътибор берилаётганлиги мамлакат ҳудудида мавжуд уй-жойларнинг нархларига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Айни кунда мамлакатимизда уй-жойлар баҳо-си ўрганилганда, Тошкент шаҳрида 2013 йил 1 январь ҳолатида 1 м² уй-жой нархи ўртача 592 АҚШ долларини ташкил қилиб, бу 2011 йил бошига нисбатан 65 долларга ёки 10,9 фоизга ошган.³

Ушбу ҳолатларнинг таҳдид даражасига етиб бормаслигини таъминлаш мақсадида мамлакат раҳбарияти томонидан қатор чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил 3 августда қабул қилинган “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Қарори ижросини таъминлаш борасида 2009 йилда 42 та қишлоқ массивларида 847 та, 2010 йилда 225 та массивда 6800 та, 2011 йилда 357 та массивда 7400 та, 2012 йилда 272 та массивда 8510 та хусусий уй-жой объектлари қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, жорий йилда 10000 та намунали уй-жойларни қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилиб, бунинг учун 1,4 трлн. сўм, яъни ўтган йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтириш мўлжалланган.⁴

Бундан ташқари, 2012 йил давомида ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган соҳаларга 7376,2 млрд. сўм инвестиция йўналтирилган бўлиб, бу мамлакатга жалб қилинган умумий инвестициянинг 33,4 фоизини ташкил қилади. Мазкур маблағнинг 4402,5 млрд. сўми ёки 59,7 фоизи аҳолига уй-жой қурилиши учун сарфланган бўлиб, ушбу сарфланган маблағлар ҳисобига умумий майдони 10162,2 минг м² бўлган 80,5 минг дона уй-жойлар фойдаланишга топширилиб, шундан индивидуал уй-жойлар 8845,4 минг м²ни ҳамда қишлоқ жойларидаги намунали уй-жойлар 1264,5 минг м²ни ташкил қилган.⁵

Юқорида санаб ўтилган чора-тадбирлар натижасида республикада уй-жой фонди 2012 йилда 10,2 млн. м² га ўсиб, 2013 йил 1 январь ҳолатида 449,7 млн. м² ни ҳамда бугунги кунда аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик ҳолати киши бошига шаҳар жойларида 15,1 м²ни, қишлоқ жойларида 14,8 м²ни ташкил қилган.⁶

Қишлоқ жойларида аҳолини намунали уй-жойлар билан таъминлаш борасида мавжуд муаммоларни 2 та гуруҳга ажратишимиз мумкин: *меъёрий-ҳуқуқий* ва *ташкилий*.

Меъёрий-ҳуқуқий муаммоларга:

— лойиҳа-смета ҳужжатларида айрим турдаги қурилиш маҳсулотларини пудратчига етказиб

бериш механизми ва тартиби ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган қурилиш ишлари кўрсатилмаганлигини;

— лойиҳа ва сметалар молиялаштирилган маблағга мослаштириш зарурлигини;

— қурилаётган массивга йўналишдаги транспорт қатнови, йўл қурилиши, кўчаларнинг электр энергияси билан ёритилиши ва бошқа шу каби инфратузилмаларнинг инobatга олинмаганлигини;

— смета тузилган кундан қурилиш бошлангунга қадар оралиқдаги муддатнинг катталиги, яъни шу муддатда қурилиш маҳсулотлари нархининг кескин ўзгаришини;

— смета ҳужжатларида пудратчига ишчиларни ёллаш, кўрсатилган бир марталик транспорт ва бошқа харажатлар учун нақд пул маблағлари берилиши кўзда тутилмаганлигини;

— вилоят миқёсида инфратузилма билан таъминланганлигидан, вилоят маркази ҳисобланган шаҳарга узоқ ёки яқинлигидан қатъи назар уй-жойлар учун белгиланган нархларнинг бир хиллигини киритиш мумкин.

Ташкилий муаммолар:

— намунали уй-жойларни қуриш давомида ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши;

— қурилиш маҳсулотларини транспортда ташиш харажатлари смета ҳужжатларида етарли даражада акс эттирилмаганлиги;

— туман ҳудудидан намунали уйлар қурилиши учун ер танлаш давомида аҳолининг талаби ўрганилмаслиги;

— лойиҳа-смета ҳужжатларида бажариладиган иш ҳажмлари учун ажратилган маблағнинг (расценка) ушбу фаолият учун амалдаги меҳнат бозорига нисбатан номутаносиблиги;

— уйлардаги ички пардозлаш ишлари хонадон соҳибларини қониқтирмаётганликлари боис улар томонидан ушбу пардозлаш ишлари қайта амалга оширилиши натижасида икки мартаба харажатга йўл қўйилаётганлиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда муаммонинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш мақсадида ҳар бир муаммога алоҳида тўхталиб ўтсак:

1. “Давлат уй-жой сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг мавжуд эмаслиги;

Ушбу мазмундаги қонуннинг мавжудлиги мамлакат миқёсида уй-жой сиёсатини юритишда ягона давлат дастурини амалга оширишда кўринадди. Унга кўра, ҳар бир давлат ўз ҳудудида шаҳарсозлик сиёсатини юритиб, белгиланган муддатларда урбанизациялаштириш, инфратузилмаларни жойлаштириш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаб боради. Ваҳоланки, мазкур маз-

мун ва номланишдаги қонун 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган бўлса-да, 9 январь 2007 йилда ўз кучини йўқотган.

2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида айрим турдаги қурилиш маҳсулотларини пудратчига етказиб бериш механизми ва тартиби ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган қурилиш ишлари кўрсатилмаганлиги.

Намунали уй-жойлар барпо қилинишида республикадаги мутасадди корхоналар зиммасига қурилиш маҳсулотларини етказиб бериш масъулияти юкланган бўлса-да, ушбу мажбурият корхоналар томонидан тўлиқ бажарилмаганлиги оқибатида пудрат ташкилотлари қурилиш маҳсулотларини лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган баҳодан қиммат нарҳда сотиб олиниши қурилиш харажатларининг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 сентябрдаги “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини яхшилаш ва лойиҳалаштиришни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1403-сонли Қарорининг бажарилиши бўйича 2010 йил 23 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган йиғилиш баёнида 2011 йилда қуриладиган уй-жойларга зарур бўлган қурилиш маҳсулотлари жумладан, металлопрокатлар АИБ “Ўзметкомбинат”, цемент ва керамзит материалларини етказиб бериш АК “Ўзқурилишматериаллари”, пишган фишт етказиб бериш вилоят ҳокимликларига ва “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси (ИК), эшикларни етказиб бериш “Қишлоқ қурилиш инвест” ИКдан, де-раза ромларини етказиб бериш вилоят ҳокимликларига, ёғоч ва металл черепица материалларини етказиб бериш ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки”, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ва АК “Ўзмонтажмаҳсулқурилиш” масъуллиги белгиланган бўлса-да, улар томонидан ушбу тадбирлар ўз вақтида сифатли ижро қилинмаганлиги оқибатида пудрат ташкилотларида қурилиш маҳсулотлари танқислиги юз берган.

Ваҳоланки, лойиҳа ҳужжатларига кўра, биргина 2012 йилда Бухоро вилоятида қуриб фойдаланишга топширилган уйлар қурилиши учун цемент маҳсулотига бўлган талаб 28773 тоннани ташкил қилса, имтиёзли нархларда жами бўлиб 26093,6 тонна (90,6 фоиз) ажратилган, қолган 2679,6 тонна цемент биржа савдолари орқали ёки оралиқ фирмалардан сотиб олинган.

Худди шундай, металл черепицаларнинг 1 м² бошланғич нархларда 14,8 минг сўмдан киритилган бўлиб, ҳақиқатда “Тошкент труба заводи” ОАЖдан 17 минг сўмдан сотиб олинган. Натижада жами объектларда пудратчилар томонидан

550,9 млн. сўмлик ортиқча харажатлар қилинишига олиб келинган.

Бундан ташқари, лойиҳа ҳужжатларида уй ости тупроқ ишларини бажариш учун талаб қилинадиган маблағ кўрсатилмаган бўлса-да, мазкур тадбирни амалга оширмасдан туриб, уй қуриб бўлмаслиги сабабли бу жараён пудрат ташкилотлари томонидан ўз ҳисобларидан (*ҳар бир уй учун 700-800 минг сўмдан*) амалга оширилган. Натижада, пудратчи томонидан ҳар бир массивда ўртача 30 та уй қурилганлигини инобатга олганда мазкур маблағ 21-24 млн. сўмни ташкил қилган.

Шунингдек, лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш маҳсулотларини автотранспортда ташиш ҳамда ёқилғи харажатлари умуман кўрсатилмаганлиги ҳамда қурилиш маҳсулотлари бозори вилоят марказида жойлашганлиги боис ушбу қурилиш маҳсулотларини туманлардаги манзилга етказиб бериш харажатлари пудратчи шахсий ҳисобидан қопланиб келинган;

3. Туман ҳудудидан намунали уйлар қурилиши учун ер танлаш давомида аҳолининг талаби ўрганилмаганлиги.

Меъёрий ҳужжатларга кўра, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”, “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси (ИШИК) ва маҳаллий ҳокимликлар зиммасига уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ва бунинг асосида қуриш массивларини, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилган бўлса-да, айти кунда ушбу ҳолат эътибордан четда қолиб кетаётганлиги боис туман ва вилоят ҳокимликлари “Қишлоқ қурилиш инвест” ИШИК мутасадди шахслари билан ҳамкорликда туманнинг қайси ҳудудидан намунали уй-жойларни қуриш борасида танлов олиб борилаётганда, аҳолининг талаби умуман ўрганилмайди. Ваҳоланки, ушбу намунали уйлар қурилиши учун танланган ер майдони келгусида харидор бўлиши кутилган ҳудуд аҳолисининг уй-жой қурилишига ажратган маблағини сафарбар қилишига замин яратиши лозим. Аммо баъзи ҳолларда танланган ер майдонлари туман ҳудудидан чеккада жойлашганлиги, қурилаётган массивга йўналишдаги транспорт қатнови, йўл қурилиши, кўчаларнинг электр энергияси билан ёритилиши ва бошқа шу каби инфратузилмаларнинг инобатга олинмаганлиги оқибатида уй-жойларга бўлган талаб ортиш ўрнига сусаймоқда ҳамда аҳоли томонидан туман чеккасидаги янги, замонавий намунали уйларни сотиб олиш ўрнига айнан шу нарҳда туман марказига яқинроқ бўлган ҳудуддан фойдаланилган уй-

ларни сотиб олишни маъқул кўришмоқда;

4. Лойиҳа-смета ҳужжатларида бажариладиган иш ҳажмлари учун ажратилган маблағнинг (расценка) амалдаги талаб ва таклифга нисбатан номутаносиблиги.

Пудратчи ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари олиб борилиш даврида смета ҳужжатларида қўлланилган баҳолар амалдаги бозор баҳоларига мос келмаслигига дуч келишмоқда.

Жумладан, 1 м² деворни қорихма билан қоплаш (штукатурка) ишларига смета ҳужжатларида 1600 сўм маблағ ажратилган бўлса, 2012 йилда ушбу ишлар учун пудратчилар томонидан ҳар бир м² учун 4500-5000 сўмдан, автокран ёрдамида ҳар бир плитани монтаж қилиш ишларига ҳам 1600 сўм ажратилган бўлса, пудратчилар томонидан ушбу иш ҳажмига 15000 сўмдан ҳамда фишт териш ишларига ҳар бир фишт учун 40 сўм ажратилган бўлса, амалда 100 сўмдан сарфланган бўлиб, мазкур ортиқча тўловларнинг барчаси пудратчининг шахсий маблағларидан сарфланмоқда;

5. Смета тузилган кундан қурилиш бошлангунга қадар оралиқдаги муддатнинг катталиги, яъни шу муддатда қурилиш маҳсулотлари нархининг кескин ўзгариши.

Қурилиши режалаштирилган намунали ўй-жойлар учун лойиҳа ҳужжатлари тендер савдоларидан анча муддат олдин тайёрланиши ҳамда қурилиши мўлжалланган ўйларга қурилиш маҳсулотларини етказиб бериш харажатлари инобатга олинмаслиги талаб қилинадиган қурилиш маҳсулотлари баҳосининг кескин фарқланишига таъсир ўтказмоқда.

Хусусан, 2012 йил давомида қурилиши режалаштирилган лойиҳа-смета ҳужжатларида 1 м³ тахта 400 минг сўм кўрсатилган бўлса-да, бозорда 900 минг сўмни ҳамда 1 дона пишган фишт лойиҳа ҳужжатларида 70-80 сўм кўрсатилган бўлса-да, бозор баҳосида 180-200 сўмни ташкил қилган;

6. Смета ҳужжатларида пудратчига ишчиларни ёллаш, кўрсатилган бир марталик транспорт ва бошқа харажатлар учун нақд пул маблағлари берилиши кўзда тутилмаганлиги.

Пудратчи ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари олиб борилиши даврида муддатнинг қисқалиги ва ушбу муддат давомида массивдаги 25-30 та хонадонни тўла қуриб фойдаланишга топшириш лозимлигини инобатга олган ҳолда қўшимча куч сифатида ишчилар ёллаш лозим бўлса-да, ёлланган ишчиларга иш ҳақи сифатида берилиши зарур бўлган нақд пул маблағи сметада кўрсатилмаганлиги боис пудратчилар томонидан мазкур иш ҳажмларини бажариш учун амалдаги қонунчиликка зид равишда ҳисобдаги пул маб-

лағларни ўзларининг зарарига нақдлаштириш орқали қурилишни давом эттиришларига сабаб бўлмоқда;

7. Намунали ўй-жойларни қуриш давомида ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши.

Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларнинг мавжудлиги, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрловчи ташкилотлар томонидан ўй-жойларнинг қурилиб, фойдаланишга тўлиқ топширилиши учун смета ҳужжатларида етарли ва реал маблағ кўрсатилмаслиги қурилиш ишларининг тегишли меъёрларга зид равишда сифатсиз амалга оширилишига ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган харажатларнинг пудратчи томонидан амалга оширилиши, шахсий ҳисобидан сарфланган маблағларни қайтариш мақсадида пудратчилар томонидан қурилиш маҳсулотларини талон-торож қилиш каби жиноятлар сонининг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, биргина Бухоро вилояти мисолида намунали ўй-жойлар қурилиши жараёнида содир этилаётган ноқонуний хатти-ҳаракатлар аҳволи таҳлил қилинганда, пудратчилар томонидан 2009-2012 йилларда вилоят бўйича жами 143,4 млрд. сўмлик 1785 та ўйлар қурилган бўлиб, аҳолига фойдаланишга топширилган ўй-жойларда назорат тартибида мутахассислар иштирокида қайта ўлчов ўтказилганда ажратилган маблағларнинг 731,7 млн. сўми ёки 0,5 фоизи “Қишлоқ қурилиш инвест” ИШИКнинг филиали, пудрат ташкилотлари, “Қишлоққурилишбанк” ОАТБ мансабдор шахслари ҳамда вилоят ва туман ҳокимликлари масъул ходимларининг жиноий хатти-ҳаракатлари оқибатида ўзлаштирилиб, жами 85 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган.⁷

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, лойиҳа-смета ҳужжатларида бажариладиган иш ҳажмлари учун ажратилган маблағларни ҳамда смета ҳужжатларини реал бозор нархлари ва шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилмаслиги, келгусида қурилиши режалаштирилаётган ўй-жойларнинг лойиҳалари, қурилиш жойи ва турмуш тарзига мослаштириш борасида аҳоли талабини чуқур ўрганилмаслиги, смета ҳужжатларида пудратчига ишчиларни ёллаш, кўрсатилган бир марталик транспорт ва бошқа харажатлар учун нақд пул маблағлари берилишини таъминланмаслиги Президентнинг тегишли қарорлари туб моҳиятига зид равишда аҳолига сифатсиз ўйлар қурилиши давом этишига ҳамда ўй-жойларни қуришда лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган харажатларнинг пудратчи томонидан амалга оширилиши, шахсий ҳисобидан сарфланган маблағларни қайтариш мақсадида пудратчилар томонидан қурилиш маҳ-

сулотларини талон-торож қилиш каби жиноятлар сонининг янада ўсишига сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур муаммолардан келиб чиқиб қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда:

— намунали уй-жойлар қурилиши учун тайёрланадиган лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилиши даврида зарур қурилиш маҳсулотларини пудратчига етказиб бериш механизми ва тартиби, транспорт, ёқилғи харажатлари инобатга олинishi ва бажариладиган иш ҳажмлари учун ажратилган маблағ миқдорини қайта кўриб чиқиш;

— смета ҳужжатлари Давлат қурилиш экспертизаси томонидан тасдиқланган кундан 1 ойдан кечиктирмасдан тендер қолибини аниқлаш;

По моему мнению, категория "правоохранительные органы" должна быть пересмотрена. На сегодняшний день Украина взяла на себя обязательство адаптировать национальное законодательство к законодательству Европейского Союза. В связи с этим необходимо отметить, что категория "правоохранительные органы" не используется в Европе в качестве официального термина. Для этих целей используется понятие "полиция" или "органы полиции". Таким образом, законодатель должен подумать о том, чтобы прийти к замене термина "правоохранительные органы" термином "органы полиции". Однако перед этим необходимо в очередной раз посмотреть на содержательную сторону категории "правоохранительные органы".

СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИНГ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги 08-сонли қарори)

Солиққа оид қонунчилик такомиллаштирилганлиги, шунингдек, суд амалиётида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка доир қонунчиликни қўллашда масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунда белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси).

Қонунда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилиги солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга оид мажбуриятни қасддан бажармасликдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига пул маблағлари тушмай қолишига олиб келади.

2. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда - МЖТК) 174-моддасининг биринчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (бундан буён матнда - ЖК) 184-моддасининг биринчи қисми диспозициясига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш деганда, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш тушунилиши лозим.

Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш - бу давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган тегишли солиқ ҳисоботи ҳужжатларида фойда (даромад) олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан кўрсатмаслик, шунингдек, улар мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни яшириш мақсадида фойда (даромад) келиб тушишини ҳисобга олиш

тартибини бузиш.

Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни камайтириб кўрсатиш давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоботи ҳужжатларида солиқ солинадиган объект миқдорига оид ахборотни била туриб пасайтириш (камайтириш) томонига ўзгартиришда ифодаланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисоботи ҳужжатларини ёки солиқ қонунчилигига мувофиқ тақдим этилиши шарт бўлган бошқа ҳужжатларни қасддан тақдим этмасликдан иборат ҳар қандай бошқа қилмишларида ифодаланади, мазкур ҳаракатни инсон эришига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар таъсирида бажармаслик ҳоллари бундан мустасно.

3. МЖТК 174-моддасининг биринчи қисми, ЖК 184-моддасининг биринчи қисми диспозицияси бланкет (ҳаволаки) бўлиб, шу сабабли "даромадлар", "фойда", "солиқ солинадиган объектлар", "солиқлар", "бошқа мажбурий тўловлар" каби тушунчалар мазмунини аниқлаш учун қилмиш содир этилган пайтда амалда бўлган Солиқ кодекси (бундан буён матнда - СК) нормаларидан келиб чиқиш лозим.

СК 23-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 10) транспорт воситаларига бензин, дизель

ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

СКда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин (ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ).

Бошқа мажбурий тўловларга (СК 23-моддаси учинчи қисми) қўйидагилар киради:

1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар);

2) республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар (республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар, республика йўл жамғармасига йиғимлар);

3) давлат божи;

4) божхона тўловлари;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Қонунга кўра (СК 23-моддаси олтинчи қисми), давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида тегишли жамғармалар ташкил этилиши мумкин бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар белгиланади.

4. Қонунда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни (бундан буён матнда - солиқлар) тўлашдан анча миқдорни ташкил қилмаган (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача бўлган) миқдорда қасддан бўйин товлаш ёки биринчи марта анча (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган) миқдорда содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланган МЖТК 174-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлар.

Агар шахс солиқларни тўлашдан бўйин товланганлик учун МЖТК 174-моддасининг иккинчи қисми бўйича маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида шундай қилмишни яна анча миқдорда содир этса, ЖК 184-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Шуни назарда тутиш лозимки, агар солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товланганлик натижасида кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, жиноий жавобгарлик маъмурий преюдицияга риоя қилинмаган ҳолда (яъни шахснинг муқаддам солиқларни тўлашдан бўйин товланганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши талаб

этилмайди), тегишлича, Жиноят кодекси 184-моддаси иккинчи қисмининг "б" банди ёки учинчи қисми бўйича келиб чиқади.

5. Шахснинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиш учун суриштирув, тергов органлари ва судлар, барча ҳолларда, солиқлар тўланмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар миқдорини синчиклаб аниқлашлари, бунда ЖК 184-моддаси мазмунига кўра, шахс томонидан яширилган ёки камайтириб кўрсатилган солиқ солинадиган объекти катталиги (қиймати) эмас, балки фақат тўланиши лозим бўлган солиқлар суммаси (солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган молиявий санкция (жарима ва пеня) суммаларини қўшмаган ҳолда) тушунилиши лозимлигини назарда тутишлари керак.

6. МЖТК 174-моддаси ва ЖК 184-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқшининг зарур шarti - солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашга нисбатан қасднинг мавжудлиги бўлиб, у ҳаракатда ҳам, ҳаракатсизликда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш белгилари, жумладан, қўйидагилар:

товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасини ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаслик;

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни алмаштириш, сохталаштириш ёки йўқ қилиш ёхуд уларни текшириш учун тақдим этишни рад этиш; қалбаки бошланғич бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш;

бухгалтерия ҳужжатларида реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги;

бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан тегишли равишда расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) товарларни сақлаш;

назорат-касса машиналарининг фискаль хотираси хизмати дастурига ноқонуний равишда ўзгартириш киритиш;

фойдаланилмаган моддий харажатларни фойдаланилган деб, ишлаб чиқариш ҳисоботида кўшиш;

товарлар сотиш (хизмат кўрсатиш)дан олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказиш (сотиш ҳажмини ва даромад(фойда)ни қасддан камайтириш);

моддий, ёқилғи-энергетика ресурслари харажатларини ва амортизация (эскириш) нормасини

сунъий равишда ошириш ёки норматив (лимит)-ларни нотўғри қўллаш ва ҳ.к.

МЖтК 174-моддаси ва ЖК 184-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича юқорида қайд этилган ёхуд бошқа бирор-бир белгиси аниқланишидан ташқари, шахсинг қилмишида солиқларни тўлашдан бўйин товлашга нисбатан тўғри қасд (ЖК 21-моддаси) мавжудлиги исботланган бўлиши шарт.

7. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича шуни эътиборга олиш керакки, агар солиқ тўловчи субъектларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ЖК 184-моддаси диспозицияси билан қамраб олинса, уларни ЖК бошқарув тартибига қарши жиноятлар (205-209, 227, 228-моддалари) учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Судларга тушунтирилсинки, товарларни божхона чегарасидан ўтказиш билан боғлиқ равишда давлат божи тариқасидаги солиқларни тўлашдан бўйин товлашда ифодаланган ҳаракатлар ЖК 182-моддаси билан қамраб олинади ва ЖК 184-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

8. Қонунга кўра (СК 109-моддаси), шахс қуйидаги ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактининг йўқлиги (масалан, агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги мажбурий тўловлар учун тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа ва СК 56-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда);

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишида шахсинг айби йўқлиги (масалан, қилмишнинг табиий офат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида, шахс томонидан ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган касаллик ҳолатида содир этилган бўлса ва СК 110-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда).

Қонунга кўра (СК 56-моддаси), агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги мажбурий тўловлар учун қасддан тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа, шахс жавобгарликка тортилмайди. Агар бир турдаги солиқлар учун ортиқча тўланган сумманинг миқдори бошқа турдаги тўловлар учун қасддан тўланмаган сумманинг миқдорини қисман қопласа,

шахсинг айбдорлик масаласи тўланган ва тўланмаган суммалар орасидаги фарқ миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Солиқ тўловчи ўз хатоларини солиқ текшируви (СК 85-моддаси) бошлангунга қадар ўзи мустақил равишда тузатган тақдирда ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади (СК 109-моддаси учинчи қисми).

9. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш тариқасидаги жиноят тегишли солиқ даври учун солиқ қонунчилигида белгиланган муддатларда солиқ тўланмаслиги ҳолати келиб чиққан пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади (агар бунда солиқларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш имконияти (СК 56-моддаси) ёки солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун шахсинг жавобгарлигини истисно этувчи ҳолатлар (СК 109, 110-моддалари) мавжуд бўлмаса).

Солиқ кодекси 162-моддасига кўра солиқ даври календарь йилига мос келади.

10. МЖтК 174-моддаси ва ЖК 184-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг субъекти 16 ёшга тўлган, солиқ солинадиган даромад (фойда)га эга бўлган ва қонунга мувофиқ давлат солиқ органларига даромадлари ҳақида декларация тақдим этишга мажбур бўлган жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс) ҳисобланади.

МЖтК 174-моддаси ва ЖК 184-моддасида белгиланган жавобгарликка солиқ тўловчи-юридик шахс раҳбари ва бош (катта) бухгалтери ёки бошлиқ ва бош бухгалтер вазифаларини амалда бажараётган ходимлари, шунингдек, бухгалтерия, банк-молия ҳужжатларини тузиш, имзолаш ҳуқуқига эга бўлган ва бухгалтерия ҳужжатларига даромад ёки харажатлар тўғрисида сохта маълумотлар киритган ёхуд солиқ солинадиган бошқа объектларни яширган ўзга хизматчилари тортилишлари мумкин.

11. Солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан суриштирув, тергов юритиш ҳамда уларни судда кўришда бундай жиноятларни яширишга кўмаклашган барча шахсларни аниқлаш чоралари кўрилиши шарт.

ЖК 184-моддасида назарда тутилган жиноятга раҳбарлик қилган

ёки ушбу жиноятни содир этишга солиқ тўловчи ташкилот бошлиғи, бош (катта) бухгалтери, бошқа хизматчиларини ундаган ёхуд ўзининг маслаҳатлари, кўрсатмалари билан жиноятни содир этишга кўмаклашган шахслар ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида ЖК 28-моддаси

ва 184-моддасининг тегишли қисми бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Назорат-касса машиналари фискаль хотира-си хизмати дастурига ноқонуний ўзгартириш кiritиш йўли билан даромад (фойда)ни яширишда солиқ тўловчига кўмаклашган шахслар ҳам солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлashда иштирокчи сифатида жавобгарликка тортиладилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг солиқларни тўлашдан бўйин товлashга қасддан кўмаклашишга қаратилган ҳаракатлари жиноятда иштирокчилик сифатида ЖК 28-моддаси ҳамда 184-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади. Агар, аynи пайтда улар ғараз ёки бошқа шахсий манфаатларни ҳам кўзлаган ёки шу мақсадларда жиноятни яширишга кўмаклашган бўлсалар, уларнинг ҳаракатлари ЖК бошқарув тартибига қарши жиноятлар, шу жумладан пора олганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари (ЖК 205, 209, 210-моддалари) билан ҳам қўшимча равишда квалификация қилиниши лозим.

12. ЖК 184-моддасида назарда тутилган қилмишни икки ва ундан ортиқ маротаба ягона қасд билан қамраб олмаган ҳолда содир этган шахсининг ҳаракати солиқ тўлашдан такроран бўйин товлash сифатида квалификация қилиниши лозим. Бунда шахс жиноятни бажарувчи ёки унинг иштирокчиси эканлигининг, муқаддам содир этилган қилмиш тугалланган жиноят ёки жиноятга суиқасд бўлганлигининг аҳамияти йўқ.

Шахсининг ҳаракатларида солиқларни тўлашдан такроран бўйин товлash белгиси мавжудлиги масаласини ҳал этишда Жиноят кодексининг 32-моддасида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиш лозим.

13. Қилмишни солиқларни тўлашдан бўйин товлash сифатида МЖТК 174-моддаси ва ЖК 184-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилиш учун асос бўлган солиқ миқдорини пул суммасида белгилашда, ҳуқуқбузарлик тугалланган вақтда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиш лозим. Бунда СК 3-моддаси, МЖТК 9-моддаси ва ЖК 13-моддаси талабларига риоя этилиши шарт.

14. Солиқларни тўлашдан бўйин товлash шахс томонидан солиққа оид қонунчиликнинг муайян нормаси талабларини бажармаслик билан боғлиқ. Шу туфайли, ЖК 184-моддасида назарда тутилган жиноятларга оид ишлар бўйича суриштирув, тергов органлари ва судларнинг эътибо-

ри шахсни айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорда, айблов ҳулосаси ва айблов ҳукмида айбланувчи ёки судланувчи томонидан солиққа оид қонунчиликнинг жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган айнан қайси нормаси талаблари бузилганлиги кўрсатилиши шартлигига қаратилсин.

Ушбу талабларга риоя этмаслик дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаганлиги ва уни суд мажлисида тўлдириш имконияти йўқлиги сифатида баҳоланиши лозим ҳамда жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтаришга сабаб бўлади (ЖПК 419-моддаси).

Бироқ суд, тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, ишни қўшимча терговга юбормасдан туриб, солиқларни тўлашдан бўйин товлash оқибатида етказилган зарар суммасини, башарти бу ҳолат жиноятнинг квалификациясига таъсир этмаса, кўпайтиришга ҳақлидир.

15. Солиқларни тўлашдан бўйин товлash учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш билан боғлиқ ишларни кўришда, судлар шуни назарда тутишлари керакки, судланувчининг ҳаракатларида жиноят таркиби бор-йўқлиги билан боғлиқ ҳолатлар бошқа далиллар билан бир қаторда эксперт ҳулосаси, солиқ текшируви далолатномаси, давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорлари асосида ҳам аниқланиши мумкин. Судлар, зарурат туғилганда, суд мажлисига солиқ солиш соҳаси бўйича мутахассисларни жалб қилишлари лозим.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, шахсининг айбдорлигига оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти туганган бўлса, солиқ тўловчининг фойдасига ҳал қилинади (ЖПК 23-моддаси).

16. Судлар солиқларни тўлашдан бўйин товлashга оид ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан жиноят-процессуал қонунининг далиллар мақбуллигини тартибга солувчи нормаларига риоя этилганлигини синчковлик билан аниқлашлари шарт. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, далилларин тўплаш учун белгиланган тартибни бузган ҳолда олинган ҳужжатлар ёки бошқа маълумотлар шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

17. Судлар мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳукм чиқаришда фуқаролик даъвосини ҳал этишлари зарур.

Суд фуқаролик даъвосини қаноатлантириш тўғрисида ҳулосага келганда, ўз ҳукмида маҳкум-

дан ундирилиши лозим бўлган пул суммаси миқдорини (пеня ва штраф суммасини қўшган ҳолда), тўланмаган солиқлар турига қараб, тегишли давлат бюджети (республика, маҳаллий), бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма, шунингдек, солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органи номини кўрсатиши керак.

18. Тушунтирилсинки, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишлари Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш МжТК 271-моддасининг 5 ва 7-бандларига мувофиқ тугатилган тақдирда, мазкур тўловлар тўланмаганлиги оқибатида етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаролик судлов ишларини юритиш тартибида ҳал қилинади.

19. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноят ишларини кўришда, судлар

солиққа оид жиноятлар содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашлари ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан хусусий ажримлар чиқаришлари зарур.

20. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар солиқларни тўлашдан бўйин товлашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётини вақти - вақти билан умумлаштиришлари ва йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этишлари лозим.

21. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 6 июндаги "Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида"ги 6-сонли қарори бекор қилинсин.



*Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси*

*Пленум котиби,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси*

Б.Мустафоев

А.Усманов

О ПРИМЕНЕНИИ СУДАМИ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА УКЛОНЕНИЕ ОТ УПЛАТЫ НАЛОГОВ И ДРУГИХ ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ

(Постановление Пленума Высшего хозяйственного суда №08 от 31 мая 2013 года)

В связи с совершенствованием налогового законодательства, а также вопросами, возникшими в судебной практике при применении законодательства об ответственности за уклонение от уплаты налогов и других обязательных платежей, руководствуясь статьей 17 Закона "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПОСТНОВЛЯЕТ:

1. Обратить внимание судов, что уплата установленных законом налогов и местных сборов является конституционной обязанностью каждого гражданина (статья 51 Конституции Республики Узбекистан).

Общественная опасность уклонения от уплаты установленных законом налогов и других обязательных платежей заключается в умышленном невыполнении налогоплательщиками обязанности своевременно и в полном объеме платить налоги и другие обязательные платежи, что влечет не поступление денежных средств в Государственный бюджет Республики Узбекистан.

2. Разъяснить судам, что под уклонением от уплаты налогов и других обязательных платежей в соответствии с диспозициями части первой статьи 174 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности (далее по тексту - КоАО) части первой статьи 184 Уголовного кодекса Республики Узбекистан (далее по тексту - УК) следует понимать умышленное сокрытие, занижение прибыли (дохода) или других объектов налогообложения, а равно иное умышленное уклонение от уплаты налогов и других обязательных платежей.

Сокрытие прибыли (дохода) или других объектов налогообложения - это умышленное не отражение в соответствующих документах налоговой отчетности, представляемых в органы государственной налоговой службы, фактических данных получения прибыли (дохода), а также нарушение порядка учета ее поступления с целью утаивания информации о наличии прибыли (дохода).

Занижение прибыли (дохода) или иных объектов налогообложения выражается во внесении в документы налоговой отчетности, представляемые в органы государственной налоговой службы, заведомо не соответствующей действительности информации о величине объекта налогообложения, скорректированной в сторону ее снижения (уменьшения).

Иное умышленное уклонение от уплаты налогов и других обязательных платежей выражается в любых иных умышленных деяниях налогоплательщика, выразившихся в непредставлении в органы государственной налоговой службы документов налоговой отчетности либо иных документов, представление которых в соответствии с налоговым законодательством является обязательным, за исключением случаев невыполнения указанного действия в силу обстоятельств, не зависящих от воли человека.

3. Диспозиция части 1 статьи 174 КоАО, части 1 статьи 184 УК является бланкетной, поэтому для выяснения содержания понятий "доходы", "прибыль", "объекты налогообложения", "налоги", "другие обязательные платежи" следует исходить из норм Налогового кодекса Республики Узбекистан (далее по тексту - НК), действовавшего на момент совершения деяния.

Согласно части второй статьи 23 НК к налогам относятся:

- 1) налог на прибыль юридических лиц;
- 2) налог на доходы физических лиц;
- 3) налог на добавленную стоимость;
- 4) акцизный налог;
- 5) налоги и специальные платежи для недропользователей;
- 6) налог за пользование водными ресурсами;
- 7) налог на имущество;
- 8) земельный налог;
- 9) налог на благоустройство и развитие социальной инфраструктуры;
- 10) налог на потребление бензина, дизельного топлива и газа для транспортных средств.

В случаях и порядке, установленных Налоговым кодексом, может применяться порядок упро-

щенного налогообложения (единый налоговый платеж, единый земельный налог, фиксированный налог по отдельным видам предпринимательской деятельности).

К другим обязательным платежам (часть третья статьи 23 НК) относятся:

1) обязательные платежи в социальные фонды (единый социальный платеж, страховые взносы граждан во внебюджетный Пенсионный фонд, обязательные отчисления во внебюджетный Пенсионный фонд);

2) обязательные платежи в Республиканский дорожный фонд (обязательные отчисления в Республиканский дорожный фонд, сборы в Республиканский дорожный фонд);

3) государственная пошлина;

4) таможенные платежи;

5) сбор за право розничной торговли отдельными видами товаров и оказание отдельных видов услуг.

По закону (часть шестая статьи 23 НК) в период реализации государственных общенациональных программ могут создаваться соответствующие фонды, в которые устанавливаются обязательные платежи в порядке, предусмотренном законодательством.

4. За умышленное уклонение от уплаты налогов и других обязательных платежей (далее по тексту - налоги), совершенное в размере, не составляющем значительный (до ста минимальных размеров заработной платы) либо впервые в значительном размере (от ста до трёхсот минимальных размеров заработной платы), законом установлена административная ответственность (часть первая и вторая статьи 174 КоАО).

Если лицо в течение года после применения административного взыскания по части второй статьи 174 КоАО вновь совершает аналогичное деяние в значительном размере, наступает уголовная ответственность по части первой статьи 184 УК.

Следует иметь в виду, что, если в результате умышленного уклонения от уплаты налогов причинен ущерб в крупном или особо крупном размере, уголовная ответственность наступает соответственно по пункту "б" части второй или по части третьей статьи 184 УК без соблюдения административной преюдиции (т.е. привлечение лица ранее к административной ответственности за уклонение от уплаты налогов не требуется).

5. Для правильной квалификации действия лица органы дознания, следствия и суды во всех слу-

чаях должны тщательно выяснять размер материального ущерба, причиненного неуплатой налогов, имея в виду, что под ним по смыслу статьи 184 УК необходимо понимать не величину (стоимость) объекта налогообложения, сокрытого или заниженного лицом, а лишь сумму налогов, которую следовало уплатить (без включения сумм финансовой санкции (штрафа и пени), примененных за налоговые правонарушения).

6. Обязательным условием наступления ответственности по статье 174 КоАО, статье 184 УК является наличие умысла на уклонение от уплаты налогов, которое может выражаться как в действиях, так и в бездействии.

Признаками умышленного сокрытия, занижения прибыли (дохода) или других объектов налогообложения являются, в частности:

не отражение суммы выручки, полученной от реализации товаров (работ, услуг) в регистрах учета;

замена, подделка или уничтожение документов, подтверждающих реализацию товаров (работ, услуг) либо отказе в предъявлении документов для проверки;

использование фальшивых первичных бухгалтерских документов;

отсутствие на складе или месте реализации товаров, числящихся в бухгалтерских документах, как не реализованные;

хранение товаров, не оформленных (не оприходованных) соответствующим образом бухгалтерскими или другими документами;

незаконное внесение изменений в программу обслуживания фискальной памяти контрольно-кассовых машин;

включение в отчетность производства неиспользованные материальные затраты, как использованные;

перенос выручки от реализации товаров (услуг) на следующий за отчетным период (умышленным занижением объема реализации и дохода(прибыли));

искусственное завышение (лимитов) расхода материальных, топливно-энергетических ресурсов и нормы амортизации (износа) или неправильном применении нормативов и т.п.

По делам о правонарушениях, предусмотренных статьями 174 КоАО и 184 УК, кроме установления хотя бы одного из вышеперечисленных либо иных признаков, должно быть доказано наличие в деянии лица прямого умысла (статья 21 УК) на уклонение от уплаты налогов.

7. По уголовным делам, связанным с уклоне-

нием от уплаты налогов, следует иметь в виду, что, если незаконные действия (бездействие) субъектов налогообложения охватываются диспозицией статьи 184 УК, то дополнительная их квалификация по статьям УК, предусматривающим ответственность за преступления против порядка управления (статьи 205-209, 227, 228 УК), не требуется.

Разъяснить судам, что действия, выраженные в уклонении от уплаты налогов в виде госпошлины, связанные с перемещением товаров через таможенную границу, охватываются статьей 182 УК и дополнительной квалификации по статье 184 УК не требуют.

8. По закону (статьи 109 НК) лицо не может быть привлечено к административной и уголовной ответственности за налоговое правонарушение при наличии, хотя бы одного из следующих обстоятельств:

отсутствия факта совершения налогового правонарушения (например, если излишне внесенные суммы по одним видам налогов, полностью покрывают неуплаченные суммы по другим видам и других случаях, предусмотренных статьей 56 НК;

отсутствия вины лица в совершении налогового правонарушения (например, совершение деяния вследствие стихийного бедствия или других чрезвычайных и непреодолимых обстоятельствах либо лицом в болезненном, не позволившем ему отдавать отчет своим действиям или руководить ими и других случаях, предусмотренных статьей 110 НК).

По закону (статья 56 НК) лицо не привлекается к ответственности, если излишне внесенные суммы по одним видам налогов полностью покрывают умышленно неуплаченные суммы по другим видам. В случаях, если излишне внесенные суммы по одним видам налогов частично покрывают умышленно неуплаченные суммы по другим видам, вопрос о виновности лица решается, исходя из разницы между внесенной и не внесенной суммами.

Налогоплательщик освобождается от административной и уголовной ответственности также в случаях самостоятельного исправления ошибок (часть третья статьи 109 НК) до начала налоговой проверки (статья 85 НК).

9. Преступление в виде уклонения от уплаты налогов считается оконченным с момента фактической неуплаты налога за соответствующий налоговый период в сроки, установленные налоговым законодательством (если при этом от-

сутствуют возможность зачета излишне уплаченной суммы налога (статья 56 НК) или обстоятельств, исключаящие вину лица в совершении налогового правонарушения (статьи 109, 110 НК).

Согласно статье 162 НК налоговый период соответствует календарному году.

10. Субъектом правонарушения, предусмотренного статьей 174 КоАО и статьей 184 УК, является физическое лицо (гражданин Республики Узбекистан, гражданин иностранного государства, лицо без гражданства), достигшее шестнадцатилетнего возраста, имеющее облагаемый налогом доход (прибыль) и обязанное в соответствии с законодательством представлять в органы государственной налоговой службы декларацию о доходах.

К ответственности по статье 174 КоАО и статьей 184 УК могут быть привлечены руководитель юридического лица-налогоплательщика и главный (старший) бухгалтер, либо работники, фактически выполняющие обязанности руководителя и главного (старшего) бухгалтера, а также иные служащие, наделенные правом составления и подписания банковско-финансовых документов, умышленно включившие в бухгалтерские документы заведомо искаженные данные о доходах или расходах либо скрывшие другие объекты налогообложения.

11. При производстве по делам об уклонении от уплаты налогов дознания, следствия, а также при их рассмотрении в суде должны быть приняты меры по установлению всех лиц, способствовавших сокрытию этих преступлений.

Лица, руководившие совершением преступления, предусмотренного статьей 184 УК, либо склонившие к его совершению руководителя, главного (старшего) бухгалтера организации-налогоплательщика, иных служащих этой организации, или содействовавшие совершению преступления советами, указаниями и т. п., несут ответственность как организаторы, подстрекатели или пособники по статье 28 УК и соответствующей части статьи 184 УК.

Лица, оказавшие содействие налогоплательщикам в сокрытии налогооблагаемого дохода (прибыли) путем незаконного изменения программы обслуживания фискальной памяти контрольно-кассовых машин также несут ответственность как соучастники уклонения от уплаты налогов.

Действия должностных лиц органов государственной власти и управления, умышленно содействовавших налогоплательщикам в уклонении

от уплаты налогов и других обязательных платежей, надлежит квалифицировать как соучастие в совершении преступления, то есть по статье 28 УК и соответствующей части статьи 184 УК, а если при этом они действовали из корыстной или иной личной заинтересованности либо в этих же целях способствовали сокрытию преступления, - то и по соответствующим статьям УК, предусматривающим ответственность за совершение преступлений против порядка управления, в том числе за получение взятки (статьи 205, 209, 210 УК).

12. Как повторное уклонение от уплаты налогов надлежит квалифицировать действия лица, совершившего два и более деяния, предусмотренных статьей 184 УК, не охваченных единым умыслом, независимо от того, являлся ли он исполнителем или соучастником преступления и было ли ранее совершенное деяние окончательным преступлением или покушением на преступление.

При решении вопроса о наличии в действиях лица признака повторного уклонения от уплаты налогов следует руководствоваться требованиями, установленными статьей 32 УК.

13. При определении в денежном выражении размера неуплаченных налогов, являющегося основанием для квалификации содеянного по статье 174 КоАО и соответствующей части статьи 184 УК как уклонение от уплаты налога, надлежит исходить из минимального размера заработной платы, действовавшего на момент окончания указанных правонарушений. При этом должны быть соблюдены требования, предусмотренные статьей 3 НК, статьей 9 КоАО и статьей 13 УК.

14. Уклонение от уплаты налогов связано с невыполнением лицом определенных норм налогового законодательства. В связи с этим обратить внимание органов дознания, следствия и судов на то, что по делам о преступлениях, предусмотренных статьей 184 УК, в постановлении о привлечении в качестве обвиняемого, обвинительном заключении и приговоре должно быть обязательно указано, какие конкретно нормы налогового законодательства, действовавшего на момент совершения преступления, нарушены обвиняемым, подсудимым.

Не соблюдение этих требований должно быть расценено как неполнота предварительного следствия, которое не может быть восполнено в судебном заседании, и влечет возвращение уголовного дела для производства дополнительного

расследования (419 УПК).

Однако, суд вправе повысить сумму ущерба, причиненного уклонением от уплаты налогов, без возвращения дела на дополнительное расследование, если это обстоятельство не повлияет на квалификацию преступления.

15. При рассмотрении дел, связанных с применением законодательства об ответственности за уклонение от уплаты налогов, судам надлежит иметь в виду, что фактические данные, подтверждающие наличие или отсутствие в действиях подсудимого состава преступления, наряду с другими доказательствами, могут устанавливаться также заключением эксперта, актами налоговой проверки, решением органа государственной налоговой службы по результатам налоговой проверки. Судам следует привлекать в необходимых случаях к участию в судебном разбирательстве специалистов в области налогообложения.

Судам следует иметь в виду, что любые сомнения в виновности лица, если нет возможности их устранить, должны разрешаться в пользу налогоплательщика (статья 23 УПК).

16. Суды при рассмотрении каждого уголовного дела об уклонении от уплаты налогов обязаны тщательно выяснять соблюдение органами дознания и следствия требований норм уголовно-процессуального закона, регламентирующих допустимость доказательств. При этом следует иметь в виду, что документы или другие сведения, полученные с нарушением установленного порядка сбора доказательств, не могут быть основанием для привлечения лица к уголовной ответственности.

17. Судам при вынесении приговоров по делам этой категории на необходимо разрешать предъявленный гражданский иск.

Приняв решение об удовлетворении гражданского иска, суд должен указать в приговоре размер денежной суммы (включая суммы штрафа и пени), подлежащей взысканию с осужденного, и в зависимости от вида неуплаченного налога - наименование государственного бюджета (республиканский, местный), целевых внебюджетных фондов, а также органа государственной налоговой службы по месту учета налогоплательщика.

18. Разъяснить, что вопрос о возмещении материального ущерба, причиненного уклонением от уплаты налогов, при прекращении уголовного дела в соответствии со статьей 84 УПК, дела об административном правонарушении в соответ-

ствии с пунктами 5 и 7 статьи 271 КоАО разрешается в порядке гражданского судопроизводства.

19. При рассмотрении дел об уклонении от уплаты налогов суды должны выявлять причины и условия, способствовавшие совершению налоговых преступлений, и реагировать на них путем вынесения частных определений.

20. Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам, областным и приравненным к ним судам по уголовным делам периодически обобщать судебную практику по приме-

нению судами законодательства об ответственности за уклонение от уплаты налогов и принять меры к своевременному устранению допущенных нарушений закона.

21. В связи с принятием настоящего постановления признать утратившим силу постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 6 июня 2003 года № 6 "О применении судами законодательства об ответственности за уклонение от уплаты налогов и других обязательных платежей".



*Председатель
Верховного суда*

*Секретарь Пленума,
судья Верховного суда*

Б.Мустафаев

А.Усманов

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда калит сўзлар
- мақолаларни қуйидаги элекирон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языке
- статьи нужно направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари